Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 205 (20. 472) • 1989 йил 6 сентябрь, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

Саралаб терилмоқда

ҚИЗИЛТЕПА. Ўртачўлдаги совхозлар меҳнаткашлари бу йилги қийин об-ҳаво шароитида ҳам самарали меҳнат қилдилар. Шу туфайли ўтган йилдагига нисбатан гўза ниҳолларида яхши ҳосил тўпланди. Айниқса, Октябрь 70 йиллиги номли совхоз деҳқонлари гўзаларни намунали парваришладилар.

Ҳозирги кунларда пахтаси очилган майдонлардаги ҳосил саралаб терияпти. Коммунист Мухтор Асадов раҳбарлигидаги агроучасткада эса экин майдонларини машина теримига тайёрлаш қизғин.

Оқлевий пудратчи Ражаб Қиличев ўтган йили барча ҳосилни «зангори кема» ёрдамида саранжомлаган, 8 гектардан 34 тонна дурдона топширганди. Шу туфайли унинг оиласи 7 минг сўм қўшимча даромад олди. Шунингдек, Иди Жўраев, Толиб Саломовлар ҳам 8—9 минг сўм атрофида қўшимча даромад олишди.

Хўжаликнинг Наби Сафтаров, Убайдулла Зиёдов, Мурод Мирзаматов, Тўла Шаъбонов, Ражаб Қиличев каби илғор механизаторлари бу йил пахтанинг асосий қисмини техника кучи билан йиғиб-териб беришга шайланмоқдалар. Хўжалик давлатга бу йил 1966 тонна пахта сотиш планини олган.

Шунингдек, «Ўртачўл юлдузи», «Зарбдор» совхозларида ҳам пахта ҳосили саралаб терияпти. Тезпишар ва серҳосил «Бухоро-6» навидан кўланган миқдордаги «оқ олтин»ни йиғиштириш мақсадида пудратчилар ўртасидаги мусобақа кенг авж олган.

Б. ЭГАМОВ,

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ХОДИМИ

УНИНГ ЎРНИ ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА

Партия ташкилотларни фаолият кўламини кенгайиб, иш усул ва услубларни тубдан янгиланиб бораётган ҳозирги босқичда партия комитетлари ходимларининг снёсий-ташкилотчилик, партия қуйи бўғинлари билан изчил иш олиб бориш мазмунини янада кучайтириш талаб этилмоқда. Улар ҳозир партиявий ишнинг ҳал қилувчи участкасида марказий фигура бўлиб қолди. Улар бугунги кунда ўзларининг, шунингдек, бошқалар фаолиятини ҳам қайта қуришга даъват этилгандир. Шунинг учун ҳам уларнинг асосий иш жойи меҳнаткашлар орасида, ташкилий-тарбиявий, оммавий-снёсий иш олиб бораётган партия қуйи бўғинларида бўлиши керак. Бекобод, Навоий шаҳарлари, Шофиркон, Свердлов, Ўрта Чирчиқ районлари ва бошқа бир қатор партия комитетлари ходимлари ана шунга амал қилиб партия қуйи бўғинларида янгича иш усул ва услубларини жорий этишда ибрат кўрсатмоқдалар.

— Райком ва шаҳарком инструкторлари илгари фақат ўз бўлимлари доирасида иш олиб боравердилар, — деб ёзади Тошкент область партия комитети ташкилий-партиявий иш ва кадрлар билан ишлаш бўлимининг мудири Р. Турсунов.— Эндиликда эса улар кўп масалаларни, айниқса кадрлар билан ишлашга доир масалаларни партия комитети секретарлари билан шахсий алоқада бўлиб ҳал қилаётирлар. Шунингдек, улар ўзларига бириктирилган бошланғич ташкилотлардаги иш аҳволидан мунтазам хабардорлар. Партком ходимларининг ҳафтанинг икки кунини бошланғич ташкилотларда ўтказиб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши қатъий қилиб қўйилди. Келгусида улар ҳафтанинг беш кунини партия қуйи бўғинларида ўтказадиган бўладилар. Инструкторларнинг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳар бирига бириктирилган бошланғич ташкилотлар сони ҳам 10—15 тага камайтирилди.

Республикамизда ишни ана шундай намунали йўлга қўйган партия комитетлари билан бир қаторда сусткашлик ва расмиятчилик иллатидан ҳали бўлолмаган шаҳар ва район партия комитетлари ҳам бор. Усмон Юсупов районида бошланғич партия ташкилотлари райком ёрдамини вақтида ололмаётганликлари сабабли уларнинг фаолияти, жанговарлик ва сафарбарлик роли шу кун талаблари даражасидан орқада қоляпти. Партия қуйи бўғинларига амалий ёрдам эса энг аввало инструктор орқали етиб бориши керак. «Бизга райком ходими Турсунпўлат Аҳмедов бириктирилган, У совхозга июнь ойида бирров келиб кетган эди. Шундан бери уни кўрганимиз йўқ»,— деб шикоят қилади шу райондаги Автономов номли совхоз партия комитети секретари М. Маҳаматмуродов мухбиримиз билан суҳбатда. Фарғона шаҳар партия комитети айрим ходимлари эса бошланғич ташкилотларга борши ўринга, улар билан телефон орқали мулоқотда бўлишни афзал билмоқдалар. Улар ҳатто ўзларига зарур бўлган турли ахборот ва справкаларни ҳам телефонда талаб қилиб олишни одат қилишяпти. Бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарлари, коммунистлар партия ходимларининг ўз ихтиёрий вазифасини сидқидилдан ўтамаётганлиги ва қоғозбозлик, расмиятчиликка берилганлигини қаттиқ қоралямоқдалар. Улар партия активи йиғилишларида, конференцияларда ёки секретарлар кунларида райком, шаҳарком, обком ходимлари партия ташкилотларига йўл-йўлакай, онда-сонда, ишлари тушгандагина эмас, балки қатъий план асосида мунтазам келиб туришини, шунда ҳам текшириш, турли хил топшириқлар бериш мақсадида эмас, балки ишнинг аҳволини диққат билан ўрганиш ва амалий ёрдам бериш учун келишини талаб қилмоқдалар.

«Юз йил яшасанг ҳам, юз йил ўрган». Халқнинг бу таъбири партия комитетлари ходимларига ҳам хосдир. Улар хушмуомала, камсуқум, илтифотли, одамларга ҳайрихоҳ ва уларни ошкора суҳбатга жалб эта биладиган, вужудга келаётган ҳамма янги, фойдали ташаббусларни илғаб олиб, қўллаб-қувватлайдиган, ҳамма ерда ҳам ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила биладиган принципмал ходим бўлишлари лозим. Инструкторлар ҳаётнинг томир уришини доимо сезиб туришлари, янгиликлардан ҳамиша хабардор бўлиб боришлари учун мунтазам ўқиб-ўрганишлари, партиявий раҳбарликнинг замонавий усул ва услубларини пухта ўзлаштиришлари даркор. Республика олий партия мактаби қошидаги курслар, бошқа республикалар партия комитетларида стажировкада бўлиш, илғор тажрибаларни ўрганиш учун ходимларни юбориш уларнинг билимм, малакаси ва иш тажрибасини оширишнинг бевосита омилларидир. Чиноз район партия комитетининг бу борадаги тажрибаси айниқса ибратли. Бу ерда тажрибали ходимларнинг ёш инструкторларни оталикка олиб иш ўргатиш одат тусига кирган. Шунингдек, райком бюроси мажлисларини ва пленумларида уларнинг ҳисоботларини эшитиш, муҳокама қилиш, энг етук ходимларни олий партия мактабларига ўқишга тавсия этиш каби усуллар ҳам яхши самара беряпти.

Кадрларни ўрганиш ва танлаш иши билан шахсан шуғулланаётган инструкторлар эммасида айниқса катта масъулият турибди. Улар бошланғич ташкилотларнинг йиғилишларида қатнашганларида, коммунистлар ва партиясизлар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг танқидий фикр-мулоҳазаларни ва таклифларини, жамоат топшириғига бўлган муносабатини ўрганаётганларида у ёки бу ходимнинг снёсий етуклиги, касб ва маҳоратн, маънавий фазилатлари тўғрисида зарур хулоса чиқариш, ана шу ходимдан қаерда яхшироқ фойдаланиш мумкин эканлиги тўғрисида таклиф киритиш имкониятига эгадирлар.

Партия кадрларни, жумладан инструкторлар сифат составини мунтазам яхшилаб бориш, уларни бошланғич партия ташкилотлари билан янада фаолроқ ишлашга ўргатиш зарур. Республикадаги кўпгина партия комитетларни ана шундай қилишяпти. Бир қатор область, шаҳар ва район партия комитетларида ишлаётган ходимларининг аксарият қисми илғор бошланғич ташкилотларда секретар бўлиб ишлаган кишилардир. Инструктор сифатида ишга қабул қилинган партия қуйи бўғинларни собиқ секретарларни партия аппаратига партиявий иш юритиш асосларини ўзлаштирган ҳолда келмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу йилги XVI пленуми республикада кадрлар, айниқса, партия кадрларн ишини жиддий қайта қуриш тадбирларини белгилади. «Кадрларни танлаш чоғида энг аввало уларнинг снёсий, ишчанлик, профессионал, ташкилотчилик фазилатларига, ташаббускорлигига, масъулиятни ўз зиммасига ола билишига эътиборни қаратиш зарур», — деб таъкидланди пленум ҳужжатларида. Аммо шу билан бирга кадрлар снёсатида ҳаётда синалган ленинча принциплардан озгина бўлсада чекиниш, уларни танлашда шахсий содиқлик, юртдошлик, ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйиш партия ишига, унинг обрўсига жуда катта зарар келтиришини сира унутмаслик лозим. Бу қонда партия комитети инструкторларини танлашга ҳам тааллуқлидир. Баъзи ҳаётда шундай ҳам бўлаяпти, баъзи партия комитетларида кадрлар танлашга юзаки ёндашиб, унинг қобилияти ва иш тажрибасига эмас, балки анкета кўрсаткичларига, сўзамолиги ва нутқининг равонлигига қараб баҳо бериб янглишмоқдалар. Бундай иш юритиш қаттиқ қораланмоғи, дарҳол принципиаллик билан тегишли баҳо берилмоғи лозим. Зеро бу йўл КПСС XIX конференцияси томонидан қаттиқ қораланди.

Партия комитети ходимн ҳурмат ва обрў-эътиборни фақат ҳалол меҳнати, ибрат кучи билан орттиради. Унинг меҳнати эса қайта қуриш, янгиланиш иши муваффақиятларига, республиканн соцнал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга хизмат қилади.

ҲОСИЛ-89

ОЛТИН КУЗНИНГ ҲАР КУНИ, ҲАР ДАҚИҚАСИ БИЗДАН ҲИСОБ СЎРАЙДИ

● Ўлкамизда олтин куз. Долзарб дамлар... Йиғим-терим мавсуми меҳнат кунлари бошланди. Бу қизғин паллага қадам қўйиш учун деҳқонларимиз. озмунча тер тўкдиларми. Табиатнинг мисли кўрилмаган инжиқликларига қарамай, пахтазорларда мўл-кўл ҳосил етилди.

БОШ ВАЗИФАМИЗ «ОҚ ОЛТИН» ЙИҒИМ-ТЕРИМИ МАВСУМИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ УТКАЗИШДАН ИБОРАТДИР.

● Пахтакор ҳамиша техникага таянади, техника қаноти, меҳнатни икки-уч ҳисса енгиллаштиради. Айни кунларда техника воситаларини яна бир бор қайта кўздан кечирайлик.

Механизаторлар ёппасига пахта теримига киришишлари учун маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда дефолиацияни ўз вақтида ўтказайлик.

● Йиғим-терим мавсуми бошлангач, хирмонжойлар пахтазорнинг энг қизғин нуқтасига айланади. Хирмондаги барча воситаларни, тош-тарозилар, йўлларни барвақт ҳозирлаш меҳнат муваффақиятини таъминлайдиган омиллардан бири эканлигини бир зум унутмайлик!

● Пахтакорлар, механизаторлар учун барча шароитни муҳайё этиш, уларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни таъминлаш партия, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг кечиктириб бўлмас вазифасидир.

ҲОСИЛНИ ВАҚТИДА ВА НОБУД ҚИЛМАЙ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛАЙЛИК

5 сентябрь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда пахта териш кампаниясини ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказиш юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Ушбу йиғинда партия ходимлари, министрлик ва идораларнинг раҳбарлари, республика Давлат агросаноат комитетининг мутахассислари, олимлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов кенгашни қисқача кириш сўзи билан очди.

У пахта ўзбек халқининг, бутун совет халқининг ифтихори, республиканинг асосий бойлиги эди, ҳозир ҳам шундай, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади, деди. Шунинг учун ҳам пахта етиштириш юзасидан давлат буюртмасини бажариш учун энг кўп куч-ғайрат сарфлаш барча коммунистлар, ҳамма пахтакорлар, республика бутун аҳолисининг бурчидир. Бу — умумхалқ ишидир ва ҳар бир киши унга дахлдорлигини ҳис этиши лозим.

Бу яна шунинг учун зарурки, сўнгги йилларда пахтакорлик касб-корининг обрў-эътиборидан путур кетди. Ана шу салбий муносабатни бартараф этиш, одамларнинг бу борадаги руҳиятини ўзгартириш партия, совет, хўжалик ташкилотларининг вазифасидир. Қишлоқ ва шаҳар бир-бири билан боғлиқлигини ҳар бир одам аллақачон тушуниб олиши керак эди. Агар қишлоқ бадавлат бўлса, шаҳар ҳам бадавлат бўлади. Деҳқонлар ҳамиша шаҳарга ёрдам -бериб келишди, бугун эса улар шаҳарликларнинг мададига умид боғлашларига ҳақлидирлар. Агар биз бир сафда туриб ишласак, агар йиғим-теримда пахтакорларга ёшу қари барча ёрдам берса, умумий ишимиз наф кўради.

Ахир пахта — фақат толагина эмас. Бу ўсимлик ёғи ва кунжара, бу чорва молга бериладиган чигит пўстлоқдир. Бу неча ўнлаб турдаги бошқа маҳсулотлардир. Республикамизда саноат ялпи маҳсулотининг 70-80 процнти пахта билан боғлиқдир.

Кенгашда бу йил пахтачилик учун ниҳоятда оғир йил бўлаётгани таъкидланди. Апрель ойининг охири ва май ойининг бошида бўлган жала ва тўсатдан тушган совуқ жуда катта зиён етказди. Бунинг оқибатида деҳқонлар 1 миллион гектардан кўпроқ ерда чигитни қайтадан экишга мажбур бўлдилар.

Деҳқонларнинг фидокорона меҳнати шарофати билан, август ойида об-ҳаво қулай келгани туфайли экинларнинг аҳволи бир қадар ўнглаб олинди. Аммо пахтакорлар йиғим-теримга тайёргарлик кўриш билан бирга ҳосил тўплаш юзасидан ишни ҳам кучайтиришлари керак.

Кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, бугун йиғим-теримга тайёргарлик якунловчи босқичга кирди, деб айта олмаймиз. Ҳали кўп иш қилиниши керак. Далалар, техникани тайёрлаш, одамларни сафарбар этиш, улар учун нормал маиший қулайликлар яратиш лозим бўлади.

Бу йил дефолиация кечроқ — 15—25 сентябрь кунлари авжига чиқади. Фурсат ғанимат. Чунки 1.525 минг гектар ерга ишлов бериш, шундан 1 миллион гектаридан кўпроғига ерда ишлатиладиган механизмдар билан ишлов бериш лозим бўлади. Жуда самарали ишлайдиган штангали пуркагичлар республикамизда камлиги учун энди бу ёғи ана шу механизмлар ишини ташкил этишга боғлиқ бўлади.

Механизация ёрдамида йиғим-теримни ўтказиш тақдири ҳам ташвиш уйғотмоқда. Ҳозир шпинделлар йўқлиги учун 1800 та машина мавсумга тахт қилинмаган. Колхозлар ва совхозлар, район ремонт-ишлаб чиқариш корхоналарида эҳтиёт қисмлар етишмаяпти. Ана шу масалаларнинг ҳаммасини йиғим-терим ялписига бошланганда эмас, балки ҳозир ҳал қилиш керак.

Кенгашда пахтани қўлда териб олишга тайёргарликка алоҳида эътибор берилди. Октябрь ойининг об-ҳавоси беқарор бўлади, деган тахминлар айтилди, ҳосил учун курашда эса худди ана шу ой ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Аммо кишиларимизнинг юксак онги, улар деҳқонларга ёрдамга келишади ва йиғим-теримда жуда фаол иштирок этишади, деб айтиш учун бизга асос беради.

Аммо хўжалик ислоҳоти шароитида дағдаға эмас, балки иқтисодий омиллар ишга солиниши керак. Ижарачилар, оилавий звеналар, пудрат коллективларига ортиқча ишчи кучини тиқиштириш керак эмас. Аммо ишчи кучи зарур бўлган ерларда эса олий ўқув юртлари, шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари хўжаликлар билан шартномалар тузиш ҳақида ғамхўрлик қилишлари, барча теримчиларга меҳнат қилиш ва яшаш учун нормал шароитлар яратилганлигига яна ва яна ишонч ҳосил қилишлари керак.

Бунинг устига йиғим-теримда банд бўладиган кишиларга зарур маиший шароит яратишдаги аҳвол ҳозирча дуруст эмас. Мавжуд 18,7 минг дала шийпонидан фақат 16,8 минги теримчиларни қабул қилиб олишга шай қилиб қўйилган. Сирдарё области хўжаликларида аҳвол айниқса ноҳушдир, республика пойтахтидаги студентларнинг кўпчилиги эса ана шу областда пахта терадилар.

Теримчилар учун маиший шароит яратиш масалаларида майда-чуйда нарсалар бўлмаслиги кенгашда яна бир бор таъкидланди. Ичимлик сув билан таъминлашдан тортиб савдо ва медицина хизмати кўрсатишгача барча масалалар йиғим-терим бошлангунича ҳал қилиниши керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети барча партия, совет ва хўжалик ташкилотлари раҳбарларидан йиғим-теримни ташкил этиш масалаларини пухта ўйлаб ҳал этишни талаб қилади.

Бу йил давлат пахта териш мавсумини ўтказишга қўшимча тарзда 370 миллион сўм, келгусида яна 850 миллион сўм ажратади. Бу эса хўжаликларнинг раҳбарларига зарур бўлган жойларда мавсум бошиданоқ қўлда терилган ҳар бир килограмм пахта учун 20 тийингача ҳақ тўлаш имконини беради. Бу чевар теримчиларни меҳнатга рағбатлантиради, албатта, шундай қилиб йиғим-теримни тез, сифатли ва нобудгарчиликсиз ўтказиш имконияти туғилади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлар А. С. Ефимов, М. И. Иброҳимов, Ғ. Ҳ. Қодиров, М. М. Мирқосимов, Ж. Ҳамидов, И. Ҳ. Жўрабеков иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ШОЛИКОР ЕНГ ШИМАРДИ

Куни-кеча редакциямизга хушхабар келди. Қорақалпоғистонлик шоликорлар 1989 йил ҳосилини танлаб ўришга киришдилар. Бу йил автоном республика далаларида «қирмизи дондан» мўл ҳосил етиштирилди. Нукус, Ленинобод ва Қораўзак районларининг ижарачи коллективлари биринчи бўлиб жаткаларни далага олиб чиқдилар.

Бу йил баъзи хўжаликлар шолининг районлаштирилган «Қорақалпоғистон» навини экдилар. Бу нав ҳосили эрта етилади. Лекин асосий майдонларда юқори ҳосилли, об-ҳавонинг ноқулайликларига чидамли ҳамда тезпишар «Нукус-2» нави етиштирилди.

Ташкилотчилик борасида ҳам янгиликлар жорий этилди. Кўпгина шоликор совхозлар хўжалик юритишнинг янги усулларига ўтдилар. Ижара пудрати асосий омил бўлмоқда. Бу йил она-Ватанимиз қорақалпоғистонликлардан 297 минг тонна шоли қабул қилиб олади. Айни кунларда миришкорлар «Енисей» ва «СКД-5» комбайнлари билан дон ўрмоқдалар.





ИБРАТ КЎРСАТИБ

Республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Валижон Йўлдошевни Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозида ташаббускор бригада бошлиқларидан бири сифатида танишади. У ўн йилдан буён қадрдон хўжаликда меҳнат қилиб келяпти.

Газета суратқаши В. МОЛГАЧЕВ бу суратларни шу бригада далаларида бўлиб, тасвирга туширган. 1. Механизатор Асқархон Аъзамов. 2. Бригада бошлиғи В. Йўлдошев ва комбайнчи Акрамжон Шамсуддинов. 3. Мақкажўхори ўрими пайти.



ПЛАН ТАЙЁР

● Бахмал райони меҳнаткашлари бу йил чорва қишловига тайёргарликни эрта бошлаб юборган эдилар. Бу тадбир ўз самарасини берди — хашак жамғариш плани муддатидан олдин ортиғи билан адо этилди. Район бўйича 32 минг тонна хашак тайёрланди. Тайёрланган хашакнинг 14 минг тоннаси пичан, 4 минг 750 тоннаси сенаж, 242 тоннаси табиий пичан, 11 минг тоннаси сомондир.

Район хўжаликларида хашак жамғариш давом этмоқда. Улар пландан ташқари яна 7 минг тонна хашак тўплаш учун қизғин курашмоқдалар.

А. ЭРГАШЕВ.

● *Номерга хабар*

ИЛК ХИРМОНЛАР

Ўзбекистондаги бир қанча областларнинг деҳқонлари пахтани саралаб теришга киришдилар. Сурхондарё, Қашқадарё ва Хоразм далаларида пахта терими бошланди. Республиканинг бошқа ерларида ҳам тезпишар навлар очила бошлади.

Редакциямиз Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларини етиштиришни ташкил этиш ва ривожлантириш бошқармасининг бошлиғи Р. С. Назаровдан «оқ олтин» мавсуми арафасида тармоқда вужудга келаётган аҳволни шарҳлаб беришни илтимос қилди.

— Баҳорги об-ҳаво нижиқликлари ва сув танқислиги оқибатида гўза ривожланишдан 10—20 кун орқада қолмоқда. Авваллари худди шундай кунларда пахта карвонлари тайёрлов пунктларига турна қатор жўнатилган бўлса, бу йил айрим далалардагина қўл терими бошланди. Афтидан, ойнинг охирларидагина оммавий теримга киришилса керак.

Бошқа бир ҳолатни: далалардаги гўзалар одатдан ташқари ҳар хил ривожланаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Чигитни неча марталаб қайта экиш ўз таъсирини кўрсатди. Шу сабабли ҳатто бир районнинг ўзида очилган кўсакларни ҳам, эндигина пайдо бўлаётган кўсакларни ҳам кўриш мумкин. Шундай қилиб, кўп жойларда терим жуда кеч бошланади, мавсум бир маромда ўтмайди.

Лекин яқин кунларда гўза дефолиацияси бошланиб кетади. Бу йилги шароитда дефолиацияни оммавий равишда ўтказишнинг ўзи анча қийин бўлади. Хоразм областидаги «Боғот» совхозининг деҳқонлари бу ишни биринчи бўлиб бошладилар, бошқа хўжаликлар ҳам тайёр туришибди. Умуман гўза баргини тўктириш кампанияси аввалги йилларга қарағанда ўзининг икки-та асосий хусусияти билан ажралиб туради. Биринчидан, ҳаводан туриб далаларда гўза баргини тўктириш янада қисқаради, ҳамма ерда ернинг ўзида дефолиация қилишга катта эътибор берилмоқда. Иккинчидан эса, Ғарбий Германиянинг «дропп» деб аталган захри кам дорисидан кенг миқёсда фойдалана бошлаймиз. Энди бу доридан 120 минг гектар ерни дефолиация қилишда фойдаланилади.

Хўжаликларда шу мақсадда ўқиш ташкил этилди, мутахассислар мана шу ва бошқа химикатларни қўллаш қоидалари тўғрисида хабардор қилинди, техника тайёрлаб қўйилди.

(ЎзТАГ).

Аҳдга яраша

● Жорий йилда 102 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтаришга астойдил бел боғлаган «Пахтакор» колхозидаги Олимжон Камонов бошлиқ бригада меҳнатчилари гўза парваришини агротехника қоидалари асосида олиб бормоқдалар. Чекканани аллақачон тугатган пахтакорлар ҳозир культивациялаш ва суғориш ишларини ниҳоясига етказмоқдалар. Гўзалар ҳозиргача уч марта озиқлантирилди, етти марта культивация қилинди.

Бу ишларни амалга оширишда бригаданинг Е. Мирзаев, И. Рўзиматова каби звено бошлиқлари кўпчиликка намуна бўлишмоқда.

А. НУРМАТОВ,
Олтиариқ райони.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ДАСТУРХОН НЕГА ТЎКИН ЭМАС?

Ўлкамизда айни пишиқчилик. Тер тўкиб етиштирилган ноз-неъматлар эл дастурхонига тортиладиган пайт. Хўш, шундай маҳалда республикамиз колхоз бозорларида, давлат савдоси ва матлубот кооперацияси корхоналарида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотишни ташкил этиш қай аҳволда?

Афсуски, Ўзбекбирлашув правленнеси ва «Ўзбекистон» давлат-кооператив республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари аҳолини ёз ноз-неъматлари билан таъминлашни яхшилаш борасидаги мавжуд резерв ва имкониятлардан ёмон фойдаланишмоқда. Колхоз бозорлари раҳбарлари айби билан бу ерга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини келтириш юзасидан колхоз ва совхозлар билан шартнома тузиш ишлари йиллар давомида ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Бу эса аҳоли таъминотига салбий таъсир кўрсатди. Масалан, ўтган йили Тошкент области хўжаликлари пойтахт шаҳар бозорларига шартномаларда белгиланган маҳсулотнинг 34,7 процентини миқдорида картошка, 31,7 процент миқдорида сабзавот, 33,4 процент мева ҳамда атиги 10 процент миқдорида қовун ва тарвуз келтиришган. Пландаги маҳсулотнинг 30 процентини ҳисобидан колхоз бозорларига сабзавот келтириб сотиш топширғни 3,6 процент, шу йилнинг 4 ойи мобайнида эса атиги 0,3 процентга бажарилган, холос.

Ўтган йили Тошкент колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш миқдори зўрға бурноғи йил даражасига етган ва 1986 йилга қараганда 5,3 минг тоннага камайиб кетган эди. Бундай камайиш шу йилнинг ўтган ойларида ҳам давом этди. Айни пайтда эса «Ташплодоовощпром» бирлашмаси базаларида 534 тонна сабзавотнинг чириб кетишига йўл қўйилди. Шу йил июль ойида бир қатор магазинлар текширилганда маҳсулотлар тури камлиги, сифати пастлиги, бунинг устига савдо қондалари бузилаётгани аён бўлди.

Пойтахт бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси учун зарур шарт-шароитлар ҳамон яратилмаяпти. Кўпгина бозор майдонларининг ярми бўм-бўшлигича турибди. Ҳар иккн бозордан бирида маҳсулот сақлайдиган совутиш қурилмалари йўқ.

Ўтган йили колхоз ва совхозлар Самарқанд шаҳри бозорларига ўзаро шартнома асосида етказиб бериладиган маҳсулотнинг атиги 40—50 процентн миқдорида мева-сабзавот ва картошка келтиришди. Натижада бу ерда сотилган мева ва сабзавотнинг 90 процентн деҳқонлар ҳиссасига тўғри келди.

Халқ контроли комитети яқинда ўтказган оммавий рейд пайтида назоратчилар Тошкент шаҳрида Олой ва Фрунзе райони бозорларидаги сабзавот дўконлари қулф эканлиги, Самарқандниг Боғишамол ва Қорақалпоғистон АССРнинг Хўжайли районлари бозорларидаги дўконларнинг бирортаси ҳам ишламаётгани гувоҳи бўлишди. Самарқанд ва Нукус шаҳарлари савдо тармоқларида эса фақат карам сотилмоқда.

Ўзбекбирлашув ҳамда «Ўзбекистон» давлат-кооператив республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларининг эътиборсизлиги натижасида шу пайтгача бозорларни етарли миқдорда сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш тадбирлари кўрилмаган. Оқибатда республика колхоз бозорларидаги маҳсулотлар нархи баланд. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётир.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети мажлисида эътиборсизлиги, йўл қўйган камчиликлари учун мутасадди раҳбарлар тегишли жазо олдилар. Аммо бозорларда ҳамон маҳсулот кўпаймаётир. Бу йилги шароитда қийинчилик билан етиштирилган ёз неъматларини нест-нобуд қилмай эл дастурхонига вақтида етказиб бериш учун улар қачон сўздан амалий ишга ўтадилар?

ХАБАРЛАР

● СИРДАРЁ. Областдаги Ўзбекистон ССР Госстройига қарашли 8 та қурилиш ташкилотида ёрдамчи хўжаликлар иши эътибордан тушиб қоляпти. Масалан, «1-Сирдарьяоблстрой» трести қошидаги ёрдамчи хўжаликда ўтган йили 2,2 тонна гўшт, 4,7 тонна сут, 500 килограмм асал, 50,3 тонна сабзавот, 21,8 тонна қовун-тарвуз сотилган эди. Бу йил эса трест раҳбарлари ёрдамчи хўжаликни тугатиш тўғрисида буйруқ бердилар. Натижада коллектив меҳнатчилари қўшимча арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан бебаҳра қолишди. 2-трест раҳбарлари эса ишнинг осонлашишини кўзлаб, ёрдамчи хўжаликни «Умид» кооперативига топшириб юборишди.

«Сирдарьяриссстрой» трестининг 3-кўчма механизациялашган колоннаси ёрдамчи хўжалиги (директори Туеков) шу йилнинг беш ойи мобайнида коллективга ҳеч қандай маҳсулот етказиб бермади.

Область халқ контроли комитетн текшириш ўтказиб, қурилиш ташкилотлари раҳбарларига ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш чора-тадбирларини белгилашни топширдн.

● ХОРАЗМ. Шовот райони хўжаликларида алмашлаб экишни жорий этишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. «Москва» колхозида мутахассис назорати йўқлиги сабабли 185 гектар ерга озуқа экинлари кам экилган. Белгиланган плндан ортиқча 24 гектар ерда эса пахта, 34 гектар ерда шоли ўстирилмоқда. Агрохимия лабораториясининг тавсиясига ҳам эътибор берилмаяпти. Масалан, ана шу тавсияда 263 гектар ерга азотли ўғит солиниши кўрсатилган эди. Хўжалик раҳбарлари эса 371 гектар ерга шу хилдаги ўғитни солишни топширдилар. Натижада 44 минг сўмлик минерал ўғит ортиқча сарфланди.

Область халқ контроли комитетн хўжасизликка йўл қўйган колхозларнинг раҳбарларига нисбатан жазо чоралари кўрдн.



● Мўл-кўлчилик бозордан бошланади

● Коллектив фикри инобатсиз қолди

● Уй-жойларнинг эгалари ким?

● Комитет раиси иш билмаса...

● Текширишдан мақсад нима?

● Цемент қаерга ғойиб бўлди?

● Яшириб сотиш — чайқов.

Хива гилам комбинатида ҳар сменада 3 минг квадрат метрдан зиёд маҳсулот тайёрланади. Корхона халқ контроли комитетн аъзолари тез-тез рейд ва текширишлар ўтказиб, маҳсулот сифатини қаттиқ назорат қилиб бормоқдалар. Суратда: таъмирловчилар бригадири М. Йўлдошева, халқ назоратчилари Н. Абдиёзова ва Ю. Матчонов навбатдаги рейд чоғида.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

● *Редакцияга хат*

ҲАҚИҚАТ ЮЗАГА ЧИҚАДИ

Ҳурматли редакция!

Мен 1986 йилдан бери Андижон шаҳридаги ихтисослаштирилган «Автотехобслуживание» корхонасида директор бўлиб ишлаб келмоқдаман. Шу йиллар давомида корхонамизда бир қанча ишлар амалга оширилган. Жумладан, 6 та янги объект қуриб битказилди, 16 та объектда капитал ремонт ва реконструкция ишлари бажарилмоқда. Ишчиларнинг социал-маиший аҳволлари яхшиланяпти, уларга уй-жой қуриш учун корхона қошида турар жой қурилиши кооперативи ташкил этилди. Ҳозирда 1,2 гектар ер ажратиш масаласи ҳал этилди.

Гап шундаки, шу йил март ойидан бошлаб корхонамизда область халқ контроли комитети томонидан текшириш ўтказилди. Текшириш якунлари муҳокамасида биз область халқ контроли комитети раиси А. Солижоновга ўз фикрларимизни билдирдик. Шунда А. Солижонов менга нисбатан жуда қўпол муносабатда бўлди ва бошқа текшириш ўтказишини айтди. Кейинчалик газетада берилган ахборотда биринчи текшириш бўйича аҳволни ўнглаш учун муддат берилди, деган ёлғон иборани ишлатишди.

Иккинчи марта ўтказилган текширишда эса корхонамизда ишлаб турган ва директорлик курсисига очиқ даъвогарлик қилаётган А. Саидаҳматовнинг хизматидан фойдаланишди. Мен бунга қарши чиқдим, чунки текшириш холис одамлар томонидан ўтказилиши керак эди. Бироқ фикрим инобатга олинмади. Текшириш фақат бир ёқлама олиб борилди, коллектив фикри билан ҳеч ким қизиқмади.

Мен сизларга корхонамиз фаолиятига доир ҳамда ўзимиз ва бошқа органлар томонидан ўтказилган турли текширишлар ҳужжатларини юбораяпман.

М. МАҲМУДОВ,
Андижон шаҳар автомобилларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган корхона директори.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз М. Маҳмудовнинг хатини таҳририсиз, фақат бироз қисқартириб эълон қиляпмиз. Қўлимиздаги ҳужжатларга қараганда, унинг гаплари асослн. М. Маҳмудов ва у бош бўлган коллектив бир йўла бир неча юқорн ташкилотга мурожаат қилишибди. Шу боисдан ҳам биз ана шу баобрў ташкилотларнинг қайтадан малакали текширишт ўтказишларига ва ҳақ жойда қарор топишига ишонамиз. Редакция ушбу шикоят хатини Андижон область партия комитети ҳамда бошқа тегишли ҳуқуқ-тартибот органларн эътиборига ҳавола этади.

● *Қайта қуриш ва назорат*

ОШКОРАЛИК НАФИ

Ўтган йилдан бошлаб халқ назорати органларимиз фаолиятида ошкоралик масалаларига катта эътибор бериляпти. Улар Ленинград шаҳар халқ назорати комитетининг тажрибаси асосида хўжалик раҳбарлари ва меҳнат коллективларини ўз иш планлари билан таништириб боришмоқда. Шаҳар комитетимиз текшириш бошланишидан бир ой олдин «Оқшом» газеталарида эълон бериб, аҳолидан бўлажак текшириш программаси юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришни сўрайди. Шу асосда қайси объект текширилиши аниқланиб, саволлар варақаси ишлаб чиқилади. Ҳар бир эълондан сўнг аҳоли бизга юзга яқин оғзаки (телефон орқали) ва ёзма равишда фикр-мулоҳазалар билдирмоқда.

Комитетлар ходимлари олиб борилган текширишларга якун чиқаришда ҳам янгича иш тутишяпти. Илгарилари комитет мажлисида текшириш натижалари билан фақат тор доирадаги раҳбарлар ҳамда текширилган корхона ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларигина таништирилган бўлса, эндиликда комитетлар кўпроқ меҳнат коллективларининг фикрига қулоқ солишмоқда. Хулоса чиқаришда ҳам асосан уларга таянилмоқда. Бу эса, комитетларга масалага чуқурроқ ёндашиш, асосли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқиш, энг муҳими, уларнинг бажарилиши устидан меҳнаткашлар назоратини ўрнатиш имконини беряпти.

Ўз ишимизни газета редакциялари, телевидение ва радио билан яқин ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Ҳар уч текшириш ёки рейддан бири оммавий ахборот вакиллари билан биргаликда ўтказиляпти. «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида халқ назоратининг ойлик варақасидан ташқари, текшириш материаллари бўйича ҳар ҳафтада шанба фельетонлари, Ўзбекистон радиосининг «Машъал» программаси орқали сатирик эшиттиришлар, шунингдек, халқ назорати комитетлари олиб борган текширув материаллари юзасидан телевидение орқали ойнга бир марта кўрсатувлар уюштирилмоқда. Бу тадбирлар яхши натижа бериб, кишиларда ишонч уйғотяпти, назоратнинг таъсир кучини ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширмоқда.

Кейинги вақтда халқ назорати комитетлари уй-жой ва озиқ-овқат программасининг бажрилишини, моддий бойликларни тақсимлашда социал адолат принципларига риоя этилишини назорат қилишга катта эътибор беришмоқда. Хўжасизлик, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг бузилишига доир кўп фактлар аниқланди. Қўрилган чоралар туфайли ғайри қонуний тўланган 150 минг сўмликдан зиёд мукофот пули ва иш ҳақи қайтариб олинди, 2,5 миллион сўмлик қўшиб ёзиш ва хатолар статистик ҳисоботдан ўчирилди.

Халқ назоратчилари фақат кейинги икки йил давомида ташкилотлари ҳамон уй-жой ва маданий-маиший объектларни чала ва паст сифатда топширишмоқда. Топширилган уй-жойлар ҳам узоқ вақт бўш ётмоқда, уларни қўриқлашга эътибор берилмаяпти. Натижада кўпгина квартиралардаги асбоб-анжомлар, жиҳозлар талон-торож қилиниб, яроқсиз ҳолга келмоқда. Уларни қайта тиклаш учун эса яна тақчил санитария-техника ва қурилиш материаллари, маблағ, ишчи кучи сарфланмоқда. Бунинг учун жавобгар бўлган шахслар жазога тортилаётгани йўқ.

Яқинда ВЦСПС президиумининг қарорига биноан савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналарида ишчи назорати жорий этилди. Ишчи назорати ҳақида Низом қабул қилинди. Эндиликда ана шу корхоналарда тартиб ўрнатилса керак, деб умид қилган эдик. Чунки ҳар бир объектга ўз жамоатчи назоратчилар бириктирилганди. Биргина Тошкент шаҳри бўйича улар 2 мингга яқин қонунбузарликни аниқлашди ва айбдор шахслар жазоланди. Бироқ текширилган ҳар бир объектда салбий ҳоллар кун сайин такрорланмоқда. Нима сабабдан? Негаки бу ишда кўпгина хатоликлар мавжуд. Савдо шохобчаларининг кўпчилигида ҳақиқий ишчи назорати йўқ, бириктирилган жамоатчи назоратчилар ўз объектларига келишмайди ёки ўзлари учун қулай вақтдагина келишади. Улар орасида тасодифий, ҳатто нопок кишилар ҳам учраб туради. Жамоатчи назоратчиларни сайлашда кўпинча ишлаб чиқариш илғорлари эмас, балки ишёқмаслар тавсия этилмоқда. Ваҳолонки, бу тармоқда таъсирчан ва қаттиқ назоратни йўлга қўймасдан қуруқ давъатлар билан кутилган тартибни ўрнатиб бўлмайди. Шу йилнинг ўзида 200 дан ортиқ рейд ўтказилиб, 400 магазин текширилди. Пештахта ортида, омборларда юз минг сўмлаб яширилган, очиқ савдога чиқарилмаган моллар топилди. Фақат халқ назорати органларининг текширувларига кўра, 455 нафар мансабдор шахс жазоланди. Беш раҳбар вазифасидан четлатилди. 10 нафарининг иши терговорганларига оширилди, 61 лавозимли кишига 14 минг 746 сўм миқдорида пул начёти солинди.

Қарийб икки йилдан буён Тошкент тўқимачилик комбинати, экскаватор заводи, «Ўртоқ» қандолатчилик фабрикаси, сут бирлашмаси каби 8 та йирик корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятида битта орган — ягона назорат комитети ёки группаси орқали жамоатчилик назорати ўрнатиш тажриба тариқасида қўлланиляпти. Биргина тўқимачилик комбинатида парткомнинг 5 та ва цех партия ташкилотларининг 62 та маъмурият фаолиятини назорат қилиш комиссияси, 6 та жамоат назорати комиссияси, 62 та «Комсомол прожектори» тугатилиб, ўрнига ягона назорат органи тузилди. Цех халқ контроли группа ва постлари қисқартирилиб, 61 тадан 13 тага келтирилди. Натижада илгари 1673 киши назорат иши билан шуғулланган бўлса, энди фақат 159 киши шуғулланмоқда. Улар барча жамоат ташкилотларининг вакилларидир. Аввалари комбинатда ҳар ойда 190 та текшириш ёки рейд ўтказилган бўлса, энди ойига бир марта текшириш ўтказилади. Энг муҳими текширишлар сифати тубдан ўзгариб, қўлами чуқурлашди. Катта масалалар кўтариладиган бўлди. Ишнинг бу усули ўзини оқламоқда. Ўйлаймизки, ягона назорат органларининг истиқболи порлоқ.

Назорат қилишнинг қай бир усулидан фойдаланмайлик, асосий мақсад — йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, назорат сифатини яхшилаб, унинг тарбиявий йўналишини кучайтиришдан иборат.

Ҳ. КАМОЛОВ,
Тошкент шаҳар халқ контроли комитети раиси.

РАИС ЕЛКА ҚИСДИ

ЁКИ НАЗОРАТЧИЛАР ЕТАКЧИСИ БИЛАН НОХУШ СУҲБАТ

Хўжаликларда иш самарадорлигига тўсиқ бўлаётган ғовларни бартараф этишда халқ контроли комитетлари ва уларнинг донмий ҳаракатдаги постлари муҳим аҳамият касб этади. Бироқ Оҳангарон районидаги «Оҳангарон» совхози халқ контроли комитети бундай масъулиятдан аллақачон ўзини олиб қочадиган бўлиб қолганлиги негадир хўжаликда ҳеч кимни ташвишга солмаяпти.

— Белгиланган шартномага қилоф тарзда харидорларнинг қошлнни олиб кетишдан бош тортганлиги оқибатида 400 тоннага (!) яқин карам далада чириб кетди, — дейди совхоз халқ контроли комитети раиси Собир Қурбонов.

— Халқ назоратчиларининг етакчиси сифатида сиз бу масъулиятсизликка нисбатан қандай чора кўрдингиз? — деб сўрадик назоратчилар бошлиғидан. У елка қисди. Бироз ўйланиб сўнг қўшиб қўйди. — РАПОдагилар карамни ортиш учун вагонлар олишимизга наряд беришмади.

— Хўжаликда яхшигина музхона бор экан, нега ўшандан фойдаланмадингизлар? — сўраймиз раисдан. У яна елка қисади.

Аслида совхоз халқ контроли комитети раисини хўжаликни бир неча кун айланганимиздан кейингина, зўрға учратдик. Ўшанда ҳам у вақти йўқлигини, иши ниҳоятда кўплигини баҳона қилиб, кетиб қолмоқчи бўлди. Комитет раиси С. Қурбонов ҳамда комитет аъзолари билан суҳбатимиз, баъзи ҳужжатлар билан танишув натижасида шу нарса аён бўлдики, хўжаликдаги назоратчилар ўз фаолиятларини анча илгари тўхтатиб қўйишган экан. Раисниг айтишича, йил бошида назоратчилар қаерлардадир тафтиш ўтказишган. Аммо бу текшириш қаерда, кимларнинг иштирокида бўлганини у эслай олмади. Худди шу масалада комитет аъзоси Қаҳрамон Хидировга мурожаат қилдик.

— Эсимда йўқ, лекин қачонлардир бир текширув ўтказганмиз, бултур куздамидией?.. — деди Қаҳрамон Хидиров ва қаёққадир шошиб жўнаб қолди.

Хўжаликда анчадан бери халқ контроли комитети ҳам, унинг жойлардаги постлари ҳам ҳеч қандай иш олиб бормайди. Совхознинг учта бўлимида бўлганимизда бунга ишонч ҳосил қилдик. На бирор бўлим ёки хўжаликнинг марказий участкаларида, на дала шийпонларн ёки бошқа кўзга ташланадиган жойларда халқ контролининг иш фаолиятини кўрсатувчи далил йўқ. Газета ва сатирик варақалар чиқарилмай. Халқ контроли комитети аъзолари сафидаги уч нафар коммунист ҳам ўз жонларини қойитаётгани йўқ.

— Ҳозир хотиржам ўтирадиган пайт эмас, — дейди чорвачилик бўлими бош ветврачи У. Исоқов. — Масалан, моллар учун жамғарилаётган хашакнинг бир қисми қаёққадир ғойиб бўляпти. Елғиз директорнинг ўзи кечалари тиним билмай хашак ташувчиларни назорат қиляпти. Аммо жамоат ташкилотлари, жумладан, хўжалик халқ контроли комитети ҳам негадир бу ишдан четда.

...Биз хўжалик далаларини ҳам айландик. Отчопар массивидаги янги олма кўчатлари қурнб қолган, 4-бўлимда эса озуқа экинлари экилганда биринчи ўримдаёқ бутун совхознинг моллари учун бир қишлик озуқа олса бўладиган майдон пиёз экувчиларга асоссиз равишда берилган. Қашқа участкасидаги уруғликка экилган маккажўхори поялари жуда сийрак, айрим пайкалларда сув исрофгарчилигига йўл қўйилган, хўжаликнинг кўпгина бригадаларида меҳнат интизоми бузилмоқда.

— Буларнинг ҳаммасини халқ назоратчиларининг кучи билан тартибга келтириб қўйса бўларди, — дейди ижарачи деҳқон Тургунали Қўчқоров. — Аммо биз бир йилдан бери совхозда назоратчилар борлигини билишмас экан, район халқ контроли комитети раиси А. Исоқжонов қаёққа қараяпти? Ахир «Оҳангарон» совхозида назоратчилар фаолиятининг ўзи назоратга муҳтож-ку!

М. ҚАЮМОВ.

● *Ажаб савдолар*

АРЗИМНИ КИМГА АЙТАЙ



— Йўл бўлсин, Сарсенбой!

— Хўжайин район халқ назорати комитетига, ноқобил раҳбарлар устидан арз қилгани кетяпман.

— Орқангга қайтавер ошна, фойдаси йўқ арзингим.

— Ие, нега! Менн ишонамдагилар вакил қилмаган. Етти қулочли шикоят ёзганимиз ахир. Аниқ фактлар билан боплаганмиз уларни.

— Э, гапимга қулоқ солаверсанг-чи. Назорат комитетн раиси арзингни ё рўйхатга олмай корзинкага ташлаб юборади ёки арз қилган раҳбарларингнинг ўзига жўнатиб қўя қоладн.

— Ҳазилингни қўй, Қақимбек ошна. Менн калака қилма. Ахир у халқ назорати комитетн раиси-ку!

— Менга ишонмасанг, ана Қаҳрамон она Жорасовдан сўраб кўр. Унинг техник хизмат кўрсатиш станцнясн ишига домр шикоят хатн тасдиқлансада, станцня раҳбарлари жавосиз қолишдн. Ҳожановнинг трансагентлнкда йўл қўйилаётган тартиббузарликлар хусусндагн арзнни ҳам бир кун ўтибоқ шу ташкилот бошлиқлари қўлига тутқазишдн.

— Ие, эндн нима қилдим, Қақимбек ошна! Бирор маслаҳат берсанг-чи!


— Агар йўлингдан қайтгинг келмаётган бўлса, маслаҳатим шуки, арзингни борнб топширда, уйингга кетавер. Мабодо шикоятингни рўйхатга олишни унутиб қўйишмаса, икки-уч ойдан сўнг ёлғон-яшиқ жавоб бориб қолар. Фақат огоҳлантирнб қўяй, арзинг қай йўл билан текширилганнни сен ҳам, ишхонангдагилар ҳам билмай қоласнзлар. Назорат комитетндагилар эндан ишкўрмшади. Улар ҳалн фуқаролар арзнни коллектнв ўртасида эшитиб муҳокама қилишга, ошкоралнкка ўрганишмаган.

— Йў-йў, Қақимбек ошна, бунақаси бизнн қаноатлантирмайди.

— Э, қанақасан ўзн, на унга кўнасан, на бунга! Ундай бўлса арз-додингни сувга айт!

Сарсенбой ўйланиб қолдн. Тўхта, Қақимбекнинг гапнда жон борга ўхшайди. Арзимнн ҳатто назоратчилар ҳам эшитмайдиган бўлншса, унда кимга айтаман!!

«УЧАР БУЮМЛАР»



Теварак-атрофимизни ўраб турган жумлан-жаҳонда гаройиботлар кўп. Учар лнкопчалар, «учар» одамлар ҳақида эшитгансиз. Аммо «учар буюмлар» — цемент, металл, қурилиш материаллари ҳақида-чи! Балки булар тўғрнсида эшитмагандирсиз. 2-«Узсельэлектрострой» трестнга қарашлн Узун темнр-бетон буюмлари заводида (директори Сердюков) ана шундай «учар буюмлар» борлнғи ҳақида эшитган беш-ўн чоғлн ғаройибот ишқибозларн корхона атрофида роппа-роса уч кечаю-уч кундуз пойлоқчилик қилишдн. Бироқ уларнинг сайн-ҳаракатларн зое кетдн. Ҳеч нарсанн кўра олнмай, тарвузларн қўлтиғндан тушдн. Аммо ғаройибот ишқибозларн ранжишмасн ҳам бўладн. Чунки кейнн маълум бўлишнча, бу «учар буюмлар»нинг ҳалн фанга мутлақо номаълум жиҳати — кўзга кўринмаслнк хусусняти ҳам бор экан. Ғаройибот ишқибозларининг догда қолганликларн ана шундан. Шу боисдан ҳам мутахассислар кейнгн икки-уч йил мобайнида заводдан қнймати 15 минг сўмлик 502 тонна цемент «ғойиб бўлган»лнгнни табнй ҳол, деб нзоҳлашмоқда. Бу ғаройибот аслида корхонада цемент, металл, қурилиш материалларнн сарфлаш ва ҳнсобдан чиқариш нши йўлга қўйилмаганлнгн оқибати, десак асло ишонманг. Бу, «учар буюмлар»да ҳалн бизга номаълум кўринмаслнк хусусняти борлнгндан.

«ТУРТКИ» КЕРАК



Арзон ва сифатлн саноат молларнннг камайб кетгани сабабларнни биласизми! У савдо ходимлари доимо таъкндлашадигандек, фақат чет элдан нмпортнинг қнсқартирилганндамнкан!

Йўлингиз тушиб Наманган шаҳрига бориб қолсангиз магазнилар пештахталарида тақчнл хорижий саноат молларнни кўрмайсиз. Бунга сира ажабланманг. Мухлддинов бошлиқ шаҳар саноат молларн савдоси бўлнмнга қарашли магазнилар сотувчилари ҳамон турғунлик даврндан мерос эскнча нш услубндан — молларнн пештахта ортнга, омборларга яшнрнб сотнш «касалн»дан қутула олмаяптилар. Шу йнл май ойнда текшириш ўтказнлганда бу ўз нсботнни топдн. 29 май куни 8-магазннга келган 5,5 минг сўмлнк чет эл пойабзалн 30 май куни ҳам пештахта юзнни кўрмадн. 3-универсал магазнининг уч бўлнмн, 8- ва 53-магазнларда 7,5 минг сўмлнк чет эл пойабзалн, «Электроника» соатларн «эҳтнёт шарт» деб сақлаб қўйнлдн.

Бироқ шунн ҳам тан олнш керакки, савдо ходимларн ўзнмнзда ншлаб чиқарнладнган тақчнллашган молларнн янада тақчнллатнш йўлнда ҳам астойднл «нзланнш»ятн». Масалан, 4 май куни омборларга келтнрнлнб, жамн 27 магазннга тақснмланган 35,3 минг дона кнр совуннннг 8 минг 448 бўлагн 5 та магазнндэ 12 майга қадар «асраб» турнлганнга «тасанно» демай бўладнмн!

Текшнрнлган 6 магазнининг 4 тасндэ корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат коллективлари учун мўлжалланган чет эл газмолларининг 2,7 минг сўмлнгн ёки 67 фонзн чапга пуллаб юборнлган.

Марказнй универсал магазнин ва 64-магазнндэ эса ҳамдорлар ҳақнга 20 сўмга қадар миқдорда хнёнат қилнш ҳолларн учраб турнбдн. Аммо раҳбарлар бундай қўлн «эгрн» савдо ходимларнннг ҳам бошнни снлаб, 3 ойга вазнфасндан пастлатнш билан кнфоялаништмоқда...

Наманган шаҳрндагн мазкур магазнларнннг мудирларн эскн иллатлардан қутулнш учун бизга халқ назоратчиларн ёкн тегишлн органларнннг донмнй «туртки»сн керак, бўлмаса ншкимзда қайта қурнш қнла олмаймнз, дейишмоқда.

О. НАЗАРОВ.

Расмларнн У. ЮСУПОВ чизган.

• *Бойқўнғирдан қўнғироқ*

КОСМОДРОМ КУНДАЛИКЛАРИ

МАХСУС МУХБИРИМИЗ НОМОЗ САЪДУЛЛАЕВ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЛЕНИНСК. 4 сентябрь.

Маҳаллий вақт билан 5.00 (Тошкентда 6.00). «Союз ТМ—8» янги космик кемаси парвози олдидан бу ерга келишган чет эл ва иттифоқимиз журналистларининг катта группаси старт майдончасига йўл олишди. Космик ракета комплекси қурилмаси чўл бағрини тилиб ўтган темир излардан старт майдончаси сари секин юра бошлади. Уни ўзидан ҳам бир неча бор улканроқ бўлган ракета ташувчи қурилма — «Протон» олиб боряпти. Қозоғистон даштлари остидан секин кўтарилиб келаётган қўёшнинг қизғиш гардиши кўринди. Адоғсиз чўл жим-жит... Бехитиёр кеча СССР космонавт учувчиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Владимир Александрович Шаталов билан бўлган суҳбатни эсладим. У «Совет Ўзбекистони» газетасининг махсус конверти юзига автограф ёзиб бераётиб, бугунга қадар Совет Иттифоқида 60 дан ортиқ космик кема парвоз қилганини, улардан 13 тасида чет эл мамлакатлари ҳам фаол иштирок этганини сўзлаб берганди. Хаёлимни Франциянинг «Юманите» газетаси мухбири Лейрак Серж билан Американинг Эй-Би-Си телекомпанияси мухбири Шор Гэрининг суҳбати бўлди.

— Келгуси йил учириладиган учта халқаро экипаж кемалари ҳам шу старт майдончасидан парвоз қиладими?

— Ҳа, Япония, Австрия, Буюк Британия.

...Қурилма старт майдонига келиб тўхтади. Конструкторлар ва мутахассислар энди уни парвоз нуқтасига ўрнатишга киришдилар. «Протон» орқага қайтди. Кема—ракета учлари кўкка кўтарила бошлади.

* * *

● Соат 10.00. Старт майдончасидан унча узоқ бўлмаган учишни бошқариш марказига келамиз. 1961 йил 12 апрелда Ю. А. Гагарин жаҳонда илк бор космосга йўл олган иккинчи старт майдончаси шу ерда. Унга ёнма-ён «Ю. А. Гагарин уй музейи» ишлаб турибди. Космонавтика отаси С. П. Королев музейи ҳар қачонгидан гавжум.

* * *

● Соат 11.00. Шаҳарга қайтамиз. Бу ерда олдиндан режалаштириб қўйилган матбуот конференцияси бошланди. Рус ва инглиз тилларида берилаётган ҳамда таржимонлар кетма-кет ағдариб турган саволларга космодром мутахассислари, конструкторлар, мутахассислар, тадқиқотчилар, давлат комиссияси аъзолари жавоб беришмоқда. Мен уларнинг олдиларига ёзиб қўйилган тахтачаларидан фамилияларини ўқияпман: давлат комиссияси раиси генерал-лейтенант — Керимов Керим Алимович, Космонавтлар тайёрлаш маркази бошлиғи, генерал-лейтенант СССР космонавт учувчиси Шаталов Владимир Александрович ва бошқалар.

Навбатим келди. Савол бераман. Ўрнимдан тураман. «Совет Ўзбекистони» газетаси». Тошкент.

— Космодромда учишга тайёргарлик кўраётган бўлажак космонавтлар орасида ўзбек халқи фарзандлари ҳам борми?

Учиш раҳбарларидан бири: — Бор. Конструкторлар, мутахассислар ҳам бор. Мавриди билан ҳамшаҳарларингизни космосда кўрсангиз ажабмас. Лекин ҳали бироз вақт бор.

— Ўзбекистон — пахта ва ипак макони. Айтингчи, космик кемаларда улардан олинаётган маҳсулотлар ҳам ишлатиладими?

Бош конструктор: — Шубҳасиз. Айниқса ипак толали пахта билан асл ипакнинг ўзи кема ичидаги жуда кўп қисмлар ўровида ишлатиляпти-ку. Ҳозир уларни бирма бир санаб ўтиришнинг вақти эмас.

— Орол денгизида рўй берган оғир вазиятни илк бор космонавтлар космосдан туриб оғоҳлантиришган эдилар. Минг бор ташаккур уларга. Шундан кейингина Орол ҳимояси тадбирлари кўриляпти. Эртага бўладиган парвоз программасида ҳам Орол денгизини кузатиш кўзда тутилганми?

Шаталов В. А: — Тутилган. Орол ҳаммамизнинг тақдиримиз. У бўлмаса Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикаларига ҳам, космодромга ҳам қийин...

* * *

● Соат 19.00. Яна бир кеча-кундуздан сўнг Ер билан хайрлашиб, фазога йўл олувчи космонавтлар — Александр Александрович Серебров ва Александр Степанович Викторенко билан бўлган учрашув — навбатдаги конференция ҳамма учун ўчмас хотира бўлиб қолади.

— Александр Александрович, — юзландим космонавт А. А. Серебровга, — мен сизларга «Совет Ўзбекистони» газетаси коллективи номидан газетамиз командировка гувоҳномасини топширишга вакил қилинганман. Токи, сизлар газетамизнинг космосдаги мувакқат мухбирлари бўлиб, бизнинг республикамиз экологиясига, Орол денгизи проблемаларига оид тассуротларингиз ҳақида кейинчалик бизга ёзиб берасиз деган умиддамиз.

— Бажонидил. Газетангиз йўлланмасини рамзий маънода сизнинг мухбирингиз сифатида қабул қиламиз. Фақат уни биз ҳозир сиздан шахсан ололмаймиз, кўриб турибсиз, оромхона ойна билан тўсиб қўйилган. Сиз уни ҳозир врачларга топширинг, бизга беришади.

— Яхши. Яна бир илтимос, орбита орқали меҳнаткаш ўзбек халқига ўз истакларингизни билдирасизлар деган умиддаман.

— Келишдик.

5 сентябрь.

Бугунги кун тассуротларини номерга етказишга шошилаётганлигим учун ҳам уларни ҳозир батафсил ҳикоя қилолмайман. Тонг билан «Бўрон» орбитал кемасининг техникавий позициясидамиз. Ҳар жиҳатдан мукаммал ишланган ва ҳозирча космик кемаларнинг энг такомили деб баҳоланаётган бу, таъбир жойиз бўлса, «Лочин қуш» парвозига ҳали анча бор.

Тушликка яқин пайт. Старт майдончаси. Транспорт ўрнатув агрегати ракетани тайинч нуқтасига узатиб бўлиб, пўлат излардан орқага қайтди. Ракетани парвозга ҳозирлашяпти. Электр энергияси ва зарур суюқликлар билан таъминловчи кабеллар тортилмоқда. Айни пайтда энг сўнгги текширувлар, кузатувлар олиб борилаётир.

— Парвозга 3 соат қолганда, — изоҳ берди бош конструктор.

— Сиз космонавтлар билан шу ерда хайрлашиб ва кузатув пунктига ўтасиз. Улар эса давлат қабул комиссиясига рапорт бериб келгач, учишдан 2,5 соат олдин космик кемага чиқишади ва ўз жойларини эгаллайдилар. Тайёргарлик дақиқалари тугаши билан оператор калитни «Старт» ҳолига буради. Бу пайтда тун ярмидан оғиб вақт 6 сентябрга ўтган ва «Пуск»га қадар саноқли лаҳзалар қолган бўлади...

Биз кузатув пункти сари кетдик.

Тасаввур қилинг: «Совет Узбекистони» йўлланмаси билан космик «мухбир»ларимиз орбитада! Биз учун тарихий воқеа, тарихий сана бу.

• *Хўжаликни янгича юритиш сабоқлари*

ХАРАЖАТ ҚИЛДИНГМИ, САМАРА ОЛ

ёки республика агросаноат комплекси қурилишларида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш йўлидаги тўғаноқлар хусусида

СССР халқ депутатлари съезди капитал қурилишни такомиллаштириш ва ривожлантириб бориш масалаларига жиддий эътибор берди. Капитал қурилишнинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётидаги, халқ фаровонлигини оширишдаги ҳал қилувчи роли таъкидлаб ўтилди. Съездда қишлоқни қайта қуришнинг амалий масалалари, қишлоқ қурилиши кўламларини кенгайтириш ва бинокорлик ишлари сифатини кўтариш хусусида жиддий гап борди. Бу масалаларни муваффақиятли ҳал этишда иқтисодий бошқарув усул-услублари, молия-кредит механизмининг роли беқиёс.

Дарҳақиқат, қайта қуриш шароитларида капитал маблағларнинг ҳар бир сўми самарадорлигини ошириш жиддий эътиборга лойиқ. Биламиз, азиз газетхонларни қурилиш ишлаб чиқаришининг пировард натижалари, бинокорлик ишларининг социал соҳани ривожлантиришга кўрсатаётган таъсири, одамлар эҳтиёжи қанчалик қондирилаётганлиги кўпроқ қизиқтиради. Гапни худди шу масаладан бошламоқчимиз.

Капитал маблағларнинг молиявий шакллари турлича. Янгича шароитда ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш мақсадлари учун, биринчи навбатда ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига, фан-техника ва социал ривожланиш учун буюртмачилар — колхозлар ва совхозлар, саноатнинг турли тармоқлари корхоналари ҳисобидан маблағ сарфланади. Агар бу маблағ етишмаса банкдан қарз кўтарилади. Шунингдек, уй-жой қурилиши ва социал-маданий объектлар барпо этиш мақсадлари учун халқ депутатлари маҳаллий Советлари, Умумиттифоқ ва регионал вазифаларни ҳал этишга давлат бюджетидан маблағ олиб сарфлашга тўғри келади. Бу манбаларнинг ҳар бири қурилиш ишларининг боришига таъсир кўрсатади, хўжаликни оқилона юритиш, моддий ва меҳнат ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга ёрдам беради ва ниҳоят қурилишнинг пировард натижаларида муҳим аҳамият касб этади.

Мулоҳазаларни тасдиқлаш ниятида 1989 йил дастлабки олти ойи кўрсаткичларининг айрим жиҳатларига назар ташлаш ўринли. Давлат капитал маблағларини ўзлаштириш масаласини олиб кўрайлик. Шундай маблағлар ҳисобидан январь—июнь ойларида асосий фондларни ишга тушириш плани 87 процент бажарилди. Тўғри, уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари, қишлоқ амбулаторияларини, касалхона, клублар ва район маданият уйларини ишга тушириш топшириқлари ортириб адо этилди. Умумий майдони 570 минг квадрат метр уй-жой бинолари тикланди ёки план 133 процент бажарилди. Чиноз районида 150 ўринли касалхона фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон шароитида жуда зарур бўлган қайта ишлаш саноати объектлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш базалари қурилишлари юқори суръат билан олиб борилмоқда ва фойдаланишга топширилмоқда. Жиззах, Урганч, Термиз гўшт комбинатларида ҳар сменада 48 тонна маҳсулотни ишлайдиган қувватлар ҳамда бир вақтнинг ўзида 5000 тонна маҳсулот сақлаб берадиган холодильниклар ишга туширилди. 29 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари сақланадиган янги омборлар, жумладан, Тошкентдаги 5-сабзавот маҳсулотлари комбинатида бир вақакайига 17 минг тонна мева-сабзавот ва картошка сақлаб берадиган республикада йирик омбор қурилди. Консерва заводларида йилига 1,5 миллион банка маҳсулот тайёрлайдиган қувватлар фойдаланишга топширилди.

Бинокорлик ишларини бошлашда молиявий жиҳат, албатта, ҳисобга олиниши лозим. Бунда лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқлангани, объектнинг планга киритилганлиги ва у қачон фойдаланишга топширилиши назарда тутилади. Бинокорлик ишларини тартибли олиб бориш планси қурилишларга чек қўяди. Планга тўла амал қилмаётган, молия-кредит механизми қурилиш экономикасига тегишли таъсир кўрсатмаётган жойларда айниқса, ташвишли аҳвол вужудга келди. Банк идораларига ҳам даъволаримиз бор. Улар давр талабидан паст даражада ишлаб, қурувчилар билан шериклик бурчларини лозим даражада адо этмаяптилар. Масалан, 1989 йил учун биз СССР агросаноат банкидан 398 миллион сўм узоқ муддатли кредит сўраган эдик. Қишлоқ жойларда уй-жойдан қурилишлари программаси талаблари шуни тақозо қилганди. 105 миллион сўм ундиришга эришдик. Бу — ўтган йили амалда ўзлаштирилган ҳажмдан икки баравар кам, демак. Ваҳолонки, мамлакат миқёсида қишлоқ қурилишини кредит маблағлар билан таъминлаш, халқ депутатлари съездида таъкидланганидек, бир йил мобайнида икки баравар ортди. Шу тариқа республикамиз бюрократик тўсиқ йўли билан қурилишлар учун зарур маблағни ололмади. Бунга шуни ҳам қўшимча қилиш керакки, республикамиз мамлакатда аҳолини уй-жой билан таъминлашда охирги ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Съездда қатнашган бир группа аграрчи депутатлар мурожаати мени ҳаяжонга солганини яширмайман. Депутатлар қишлоқ масалаларини жамиятимизнинг сиёсий ҳаётида биринчи даражали иш деб қарашни съездан талаб қилдилар. Уларнинг фикрича, яқин йиллар ичида қишлоқ ҳаёти шароитларини шаҳардаги уй-жой, маиший шароитлар даражасига кўтариш лозим. Депутатлар йирик саноат корхоналари қурилишларини кескин қисқартиришни таъкидладилар. Шаҳарларнинг кенгайтирилишига барҳам бериш кераклигини айтдилар. Депутатлар шаҳарлар қурилиш потенциалининг бир қисмини қишлоқ бинокорлигига сарфлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Агар шу дадил фикр рўёбга чиқса, қишлоқлардаги қурилиш масалаларининг кўпи ҳал қилинган, яна қўшимча тарзда юз минглаб квадрат метр замонавий уй-жойлар, мактаб, боғчалар, касалхоналар қад ростлаган бўлур эди. Ҳолбуки, ҳали газлаштирилмаган, уй-жойлари иситилмаган, ичимлик тоза сув билан таъмин этилмаган, канализация тармоқларидан бебаҳра қанчаданқанча қишлоқларимиз бор. Съезддаги таклиф инобатга олинадиган бўлса, давлат бюджети молиялаш манбаи сифатида кўпгина пул ресурслари билан тўлдирилган бўларди.

Янгича шароитларда молия-кредит механизмининг бунёдкорлик таъсири сезила бошлади. Ўтган йили ва бу йил ишга туширилган объектлар ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари юзасидан ҳисоб-китоб ишлари бирмунча яхшиланди. Бироқ бу соҳада тўла тартиб ўрнатилгани йўқ. 1 августга келиб «Узагрострой» республика бирлашмасидан буюртмачилар 200 миллион сўм қарздор бўлиб қолдилар.

1989 йил биринчи ярмида «Узагрострой» республика бирлашмаси бўйича қарийб 50 миллион сўм соф фойда олинди. Бу — биринчи марта шунча кўп фойда олиниши. Аммо 45 ташкилот, жумладан, Сирдарё, Самарқанд ва Тошкент область бирлашмалари зарар кўрдилар. Кўриниб турибдики, иқтисодий муваффақиятлар ҳақида ҳали мақтанишга эрта. Зарар кўраётган қурилиш ташкилотларини тугатиш тадбирлари амалга оширилмоқда. Бундай тадбирлар «Узагростроой» бирлашмаси бўлинмаларида фойда кўриб ишлаш салмоғини анча оширишга имкон беради.

Капитал маблағлар самарадорлигини кўтаришнинг яна бир йўли бор. Бир вақтнинг ўзида бир қанча объектлар қурилиши практикасига барҳам бериш керак. Қурилишларни технология ускуналари билан ўз вақтида таъминламаслик ҳам капитал маблағлар баракасини учиради. Лойиҳалашдаги сусткашлик, қурилиш ишлаб чиқаришини техникавий ва ташкилий жиҳатдан йўлга қўя билмаслик эса маблағлар сарфлашдан олинадиган фойдани озайтиради. Шу сабабга кўра ўтган йили қатор объектлар вақтида фойдаланишга топширилмай қолди. Нукус парандачилик фабрикаси, Бухоро паррандачилик репродуктори, Иштихон ғишт заводи шу каби сабаблар билан вақтида ишга туширилмади.

Халқ истеъмоли моллари тайёрловчи корхоналар қурилиши суръати ҳам талабга жавоб бермаяпти. Ҳам пудратчи, ҳам буюртмачи ролини ўтаётган республика Енгил саноат министрлиги ўз тасарруфидаги қурилишлар муаммоларини зудлик билан ҳал этмаётир. Иигирув корхонасининг Боғот филиалида йилнинг дастлабки уч ойида 71 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилиши керак эди. Молиявий манба очилмагани оқибатида қурилишнинг ўзини бошлаш имкони бўлмади.

Шартнома мажбуриятлари барбод берилаётгани молиявий жиҳатдан катта талафотлар келтирмоқда. Қатор бирлашмалар, трестлар, механизациялашган кўчма колонналар кейинги бир йилда 20 миллион сўм ҳажмида жарима-ю, боқимандалар тўлашга мажбур бўлдилар.

«Узагрострой» республика бирлашмаси бўйича ноишлаб чиқариш харажатлари 36,3 миллион сўмга етди. Бу харажатларнинг аксарияти бинолар нинг вақтида ишга туширилмаганлиги, банк берган қарзларни тўлаш муддати ўтиб кетганлиги учун жиддий молиявий чоралар кўрилиши билан боғлиқ. Айниқса, Тошкент, Самарқанд, Сирдарё область бирлашмалари, республика 1-қурилиш-монтаж трести, «Қорақалпакагрострой» бирлашмаси иқтисодий жиҳатдан катта қийинчиликларни бошдан кечирмоқда.

Буларнинг ҳаммаси — капитал маблағлардан фойдаланишдаги молиявий аҳвол назоратсизлиги оқибати, ўзаро ҳисоб-китоб интизоми бузилиши ва кредит ресурслари етишмаслигининг натижаси бўлди. Вужудга келган аҳволни бошқача баҳолаб бўлмайди.

Энди бошқа бир жиддий масала — янги хўжалик механизми имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурати, қурилиш қатнашчилари ўзаро муносабатларини иқтисодий омиллар ёрдамида тартибга солиб туриш ҳақидаги мулоҳазаларимизни баҳам кўрмоқчимиз. Очиғини айтганда, барча қурилиш-монтаж ташкилотларининг тўла хўжалик ҳисоби усулида ишлашга кўчирилиши ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказилишидан умидимиз катта. Бироқ янги хўжалик механизмини жорий этиш қийин кечмоқда. Республикада биринчи бўлиб 1987 йили янгича ишлашга ўтган «Хорезмоблагрострой» бирлашмаси бўлинмалари иқтисодий ислоҳот самараларидан баҳраманд бўла бошладилар. Лекин капитал маблағларни ўзлаштиришда эгалланган марралар бой берилиши ҳолларига ҳам дуч келинмоқда. Бунинг сабаблари турлича. Менимча, энг муҳими — тўла хўжалик ҳисобига ўтиш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш бир ёқлама йўлга қўйилиб, областлар, районлар, колхоз ва совхозлар буюртмачилик хизматлари қамраб олинмаган. Бу хизматлар ҳанузгача эскича тартибда ишлашни давом эттиришмоқдалар. Ўзибўларчиликка йўл қўйилмоқда. Хўжасизлик оқибатлари учун ноўрин маблағ сарф қилинмоқда. Олинган фойдани совуриб юборишга ҳоллари одатий бўлиб қолмоқда.

Бинокорлик ташкилотлари молиявий аҳволини ўнглаб олиш, капитал маблағлар самарадорлигини ошириб боришга эришдиradиган комплекс тадбирларни пайсалга солиш ярамайди, деб ҳисоблаймиз. Улар қўйидагилардан иборат. Бўш ётган фондларни корхона-ташкилотлар ўртасида қайта тақсимлаш ёки ҳисобдан чиқариш керак. Янгича ишлашга ўтилгунга қадар ҳисобда турган фондлардан эндиликда ишнинг манфаатлари учун тўла фойдаланиш тақозо қилинмоқда. Ниҳоят, республика миқёсида ойда бир марта молиявий ҳисоб-китоб қилиш ягона кунини жорий қилиш масаласини ҳал этиш зарурати ҳам етилди. Бунда республика Агросаноат банки ва Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ҳисоб-китобларни тартибга солувчилик ролини адо этишлари лозим. Ана шунда кредит ресурсларидан фойдаланишда ошкоралик вазияти қарор топади.

Юқорида таъкидлаганларимиз хўжаликни янгича юритишнинг жиддий талаблари бўлиб, уларни ҳал этмасдан пудрат ташкилотларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти самарадорлигини таъминлаш мумкин эмас.

К. МУСАЕВ,
«Узагрострой» республика давлат-кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси молия бошқармасининг бошлиғи.

ДИЛИМИЗДАГИ ГАПЛАР

Аёл меҳнати

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида совет турмуш тарзини юксалтиришга қаратилган шу кунниинг долзарб масалалари кўтарилди.

Районимиз қўриқ зонасига жойлашган. Шу жиҳатдан ҳам ишчи кучи етишмайди. 22 минг хотин-қиз ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда. Қолганлари уй-рўзғор ишлари билан банд. Уларни касаначилик ишига жалб этмоқ лозим. Афсуски, совхозимизда ҳам, районда ҳам хотин-қизлар шуғулланиши мумкин бўлган енгил саноат корхоналари йўқ. Тўғри, маҳаллий хизмат уйлари бор. Бироқ уларга маҳаллий хотин-қиз кадрлар жалб этилмаётир. Район партия комитети, район ижроия комитети аёлларни иш билан таъминлаш масаласи ҳусусида бош қотириши керак.

Далада ишлаётган хотин-қизлар учун ҳам иш шароити яратилмаган. Мавсумий болалар боғча-яслилари фақат қоғозда бор, холос. Аксари дала шийпонларида нишч аёлларнинг меҳнат қилишлари учун оддий шароит ҳам яратилмаган. Пахтакор хотин-қизлар, кўп болали оналар ва уларнинг фарзандлари соғлиғини текшириш, профилактика тадбирларини ўтказиш билан район медицина бирлашмаси шуғулланмаяпти.

Уй-рўзғор юмушларида ҳам, ишда ҳам аёл қўли тегмаган соҳа йўқ. Бола тарбияси онадан кўп вақт, тоқат ва фидойилик талаб этади. Аёл меҳнати оғир. Уни қадрламоқ керак. Пленумдаги нутқда оналарга ғамхўрлик, аёл меҳнатини қадрлаш, унинг келажаги ва тақдири ҳақида қайғуриш ҳислари сезилиб турибди. Бу меҳрибонлик амалда ўз аксини топишини жуда-жуда истар эдик.

Г. РЎЗИЕВА,
Нишон районидаги «Туркманистон» совхози ишчиси.

ЯНГИЧА ИШЛАШ ШАРОФАТИ

Киров районидаги «Партия XX съезди» совхози меҳнаткашлари иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш йўлида бутун куч-имкониятларини сафарбар этишяпти.

Совхоз областда энг йирик хўжаликлардан бири. Ҳар йили она — Ватанга 10 минг тоннадан ошириб «оқ олтин» топширияпти. Бунинг эвазига иқтисодий фойда олиш ҳам кўпайиб бормоқда. Капитал қурилиш ва социалманиий объектлар барпо этилишига ана шу олинаётган фойданинг аксарият қисми сарфланаётир.

Совхозда ташаббускор ишчилар жуда кўп. Ижара пудрати асосида иш юритилиши муваффақиятлар омили бўлмоқда. Совхозда ижарачилар ҳам 1740 кишига етди.

Тўхташ Нишонов бошлиқ онлавий ижарачиларга (чапдаги сурат) 10 гектар ер ажратилган. Тўхташ ака билан бирга рафиқаси Рахбархон, ўғли Тоҳир, қизи Озодахон ва келини Лобархон ишлайдилар. Улар асосан маккажўхоричилик билан шуғулланишади. Ўтган йили ҳар гектар ердан 56 центнердан маккажўхори дони олинди. Бу йил ижарачиларнинг аҳди ўтган йилги маррадан ўзиб, 60 центнерлик маррани эгаллашдир.

Совхоз меҳнаткашларининг фарзандлари учун 30 та болалар боғчаси мавжуд. Ана шулардан бири «Юлдузча» (ўнгдаги сурат) деб номланади.

Ш. ОЛИМОВ суратлари. (ЎзТАГ).





ХУШХАБАРЛАР

● Макаренко номли 16-ҳунар-техника билим юрти тайёрлов программасига янги касб-корларни ўргатиш киритилди.

Бу ерда Қўрғонтепада қурилаётган дон маҳсулотлари комбинати учун мутахассислар тайёрланади. Мазкур билим юрти асосан тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлайди. Бу йил билим юртига кирувчи барча ёшлар ўзбек ва рус тилларидан имтиҳон топширишди. Қабул комиссияси шундай қарорга келган эди. Тарбиячиларнинг фикрига кўра, тилларни яхши билиш эзло ўқиш гаровидир. Ўқувчилар ўз маҳоратларини Ленинград, Иваново, Краснодар ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ишлаб чиқариш практикасида янада самаралироқ такомиллаштирадилар.

● Бухоро «Облагрострой» бирлашмаси 186-кўчма механизациялашган колоннаси биноқорлари янги мактаб қурилишини жадаллаштирдилар. Улар Когон районидаги Оржоникидзе номли янги мактаб биносини муддатидан икки ой илгари фойдаланишга топширдилар. Мактаб 800 ўқувчига мўлжалланган, спорт зали, ошхонаси, тири бор. Областда ўқув йили арафасида жами 6 та янги мактаб очилди.

(ЎзТАГ).

ГАЗЕТАДА БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

«УЗБЕКБИРЛАШУВ» ПРАВЛЕНИЕСИ:

— Оржоникидзе районидаги Қибрай посёлкасида яшовчи Т. Эргашевнинг хати текширилди. Аризачи Тошкент область матлубот союзи ва халқ судига мурожаат қилганидан сўнг аввалги вазифасига тикланди (редакциядан: ҳайдовчи-экспедиторликка), шунингдек, унга мажбурий прогул учун 288 сўм тўланди.

«Ташоблкооптранс» бирлашмаси маъмуриятй аризада кўрсатилган фактлар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиладди. Камчиликларга йўл қўйган шахслар жазоландилар. Масалан, 7-автоколонна бошлиғи С. Ҳамдамалиевга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди, ундан бир ойлик миқдорида пул ушлаб қолинди, автоколоннанинг катта механиги Х. Жамоловга ҳайфсан берилди. Ундан ҳам 1/2 ойлик миқдорида пул ушлаб қолинди.

«УЗАВТОТЕХОБСЛУЖИВАНИЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ:

— Тошкент шаҳрида яшовчи II группа инвалиди А. Асиловнинг Луначарский шоссесида жойлашган 5-автомобилга хизмат кўрсатиш станцияси айрим ходимлари устидан ёзган аризаси кўриб чиқилди. Бирлашма бўйича чиқарилган буйруққа кўра, станция бошлиғи Н. Жўраевга ахолига хизмат кўрсатишда камчиликларга йўл қўйганлиги кўрсатиб ўтилди. Мижозга қўпол муносабатда бўлганлиги учун буюртмаларни қабул қилувчи С. Хуршудянга қаттиқ ҳайфсан берилди, прейскурантдаги баҳоларни бузганлиги учун двигатель ремонти бўйича слесарь Г. Лупановга эса ҳайфсан эълон қилинди.

УЧҚЎРҒОН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Охунбобоев номли колхоз аъзоси С. Ҳасановнинг шикоят хати ўрганиб чиқилди. Шикоятда аризачининг турмуш ўртоғи, бригадир Р. Ҳасанов билан правление раиси А. Жўраев ўртасида иш юритиш бўйича турли низолар келиб чиққанлиги кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам Р. Ҳасанов 1989 йил бошида ўз розилиги билан маккажўхоричилик бригадасига бошлиқ қилиб тайинланган. Маккажўхори экилиб, ишлов бериш бошланган пайтда экин майдонлари оилавий пудратчиларга бўлиб берилган, бригада бошлиғи вазифасини сақлаш мақсадга мувофиқ эмас, деб, Р. Ҳасанов ишдан озод қилинган. Лекин у бошқа ишга таклиф қилинмаган. Натижада 21 кун ишсиз қолган. Р. Ҳасанов йил бошида белгиланган план-топшириқлар бўйича колхоз правленнеси билан шартномаларни имзолаб, иш бошлаганлигини ҳисобга олиб, ўз ишига қайта тикланди. Ишсиз қолган кунлари учун 108 сўм иш ҳақи ундириб берилди.

Ушбу шикоят хатнинг текшириш якунлари район агросаноат бирлашмасида атрофлича муҳокама қилинди. Р. Ҳасановни бригада бошлиғи вазифасидан нотўғри бўшатганлиги, ўз турмуш ўртоғи Э. Жўраевага ишга чиқмаган кунлари учун иш ҳақи ҳисобланишига йўл қўйганлиги учун колхоз раиси А. Жўраев қаттиқ огоҳлантирилди.

Яқинда матбуотда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссияси ҳузурида ижодкор зиёлилар билан иш олиб борувчи Кенгаш тузилганлиги хабар қилинди. Редакциямизга келаётган кўплаб хатларда газеталар шу Кенгашнинг вазифа ва режалари ҳақида ҳикоя қилиб беришин сўрамоқдалар. Уларга жавоб сифатида қуйидаги шарҳни эълон қилаётирмиз.

• *Бизнинг шарҳ*

СОҒЛОМ МУҲИТ — ИЖОДИЙ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Ватанимиз бўйлаб қайта қуриш кўлами тобора кенгаймоқда. Демократиялаштириш, покланиш, ошкоралик кўклам насимидай бетўбор, сарин ва ҳаётбахш шабадаси кун сайин кучга тўлмоқда. Бундай сиёсий вазият тошдан гул ундиришга қодир санъаткорлар учун, қутлуғ анъаналаримиз ва маданиятимиз ҳимоясига бел боғлаган адабиёт ва санъат арбоблари учун айни муддаодир. Ишлаш, тер тўкиш пайти келди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев партиямизнинг XXVII съездида қилган докладида бадиий ижодга катта баҳо бериб, шундай деган эди: «Жамиятнинг маънавий соғломлиги, одамлар яшайдиган маънавий муҳит кўп жиҳатдан адабиёт ва санъатнинг аҳволи билан белгиланади. Адабиёт ва санъатимиз янги дунёнинг туғилишини акс эттириб, шу билан бирга янги дунёнинг қарор топишида актив қатнашди, ана шундай дунё кишисини — ўз она юртининг ватанпарварини, чинакам интернационалистни вояга етказди. Бу билан адабиётимиз ва санъатимиз умумхалқ ишидаги ўз ўрнини, ўз вазифасини тўғри танлаб олди».

Топиб айтилган гап. Шуни алоҳида мамнуният билан таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ўзбек адабиёти ва санъатининг республика ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳаётидаги иштироки янада жонланди. Пайдо бўлган адабий-бадиий асарларнинг таъсир кучи, гражданлик пафосн, ҳозиржавоблиги, публицистик руҳи сезиларли даражада кучайди. Ёзувчилар, журналистлар, санъат намояндалари ҳаёт ҳақиқати, давр дардини ошкора ва пухта ёритишга ҳаракат қилмоқдалар. Шуниси диққатга сазоворки, кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинган адабиёт ва санъат асарларида шахсга сиғиниш, турғунлик — қолоқлик йилларининг бадбин томонлари бадиий жиҳатдан анча чуқур тадқиқ қилиниб, содир бўлган салбий ҳодисаларнинг чин моҳиятини ҳар томонлама очиб бериш йўлидан борилаяпти. Ҳозирги вақтда мамлакатимизда, хусусан, республикамизда рўй бераётган қутлуғ ўзгаришлар, халқпарварлик, аниқроғи дунё кўзига тик қараш фазилати жонажон адабиётимиз ва санъатимиз намуналарида ўзига хос тасвирини топмоқда. Ижодкорларимизнинг она ер, она табиат мувозанати, Орол денгизининг яшаши, муҳит соғломлиги, инсоний муносабатларнинг самимийлиги, дўстоналиги, халқ тарихига ихлос, эътиқод сингари жиддий ва долзарб муаммоларни тасвирлашдаги изланишлари ҳам диққатга сазовордир.

Яна бир эътиборли гап шундаки, адабиёт ва санъат намояндалари ҳаётий воқеаларга даврнинг бебаҳо имкониятларидан келиб чиқиб ёндашмоқдалар. Долзарб мавзу бўлиб қолган айрим ҳодиса-воқеалар, жумладан, пахтакорлар ҳаёти китобхонлар ва санъат мухлисларига янгича талқинларда ҳавола қилиняпти. Кўпмиллатли совет адабиёти ва санъатининг энг яхши намуналаридан деб эътироф этилган асарларга диққат-эътибор кучаймоқда. Рассомлик устахоналари, киностудияларда, музика аудиторияларида, театр залларида ўзига хос чинакам изланиш натижаси бўлиб кўзга ташланган асарлар катта қизиқиш билан кутиб олинмоқда. Бу шубҳасиз, адабиёт ва санъат намояндаларимизнинг, ижодкор зиёлиларимизнинг дадиллигидан, ҳозиржавоблигидан, масъулиятни чуқур ҳис этишларидан ёркин далолатдир.

Дарҳга, демократия ва ошкоралик даъватларига ҳамоҳанг ишлаётганлар орасида ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Бадиий ижод хазинасини, устозлари тажрибаларини пухта ўрганган, унга оғишмай амал қилаётган навқирон ижодкорлар, табиийки, ўзларининг мустақил, янгича изланишларини намойиш этмоқдалар. Ана шундай эътиборга сазовор ижодий ишлар орасида бадиий фильмлару тасвирий санъат ва мусиқа асарлари, бадиий адабиёт намуналари бор.

Лекин ижодкор зиёлиларимизнинг барчаси кутилганидай фаоллик билан, заҳматкашлик билан, ўз ижодий имкониятларидан тўла фойдаланган ҳолда самарали ишлаяпти, деб бўлмайди ҳали. Қолаверса, ижодкорларимиз орасида баҳамжиҳатлик, фикрдошлик, бир мақсад йўлида яқдил бўлиб курашишдек чинакам зиёлиларга хос эзгу фазилатлар, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги нозик чегарани аниқ фарқлаш лаёқати гоҳо етишмай қоляпти. Баъзи ўзувчиларимиз, баъзи истеъдоди ёркин кўзга ташланаётган ёшларимиз демократия ва ошкораликни бир томонлама тушуниб, ўринсиз даъволаргача бориб етмоқдалар. Адабиётимизнинг ардоқли тарихини ўзларича «ағдарма» усулда қайта кўриб чиқишга, «тафтиш» қилишга интилмоқдалар. Аллақандай ёлғон ва хира «Хотиралар...» ўзбек совет адабиётининг жонкуяр намояндалари—Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор, Уйғун, Комил Яшин, Зулфия сингари адибларимизга «тош отишлар» — булар босиб ўтган мураккаб, аммо шонли йўлимизга беҳурматликдан бошқа нарса эмас. Меҳр-оқибатсизлик, шафқатсизлик бу!

Ҳаётий факт-воқеалардан чиқадиган хулосалар бегубор-бегараз бир тарзда халққа ҳавола қилинмас экан, ижодий жараёнда тарафкашлик давом этаверади. Адабиёт тақдирини ўйлаган одам ўзининг тор манфаати учун эмас, балки халқона бадиий маданият равнақи ва келажаги учун, инқилобий ҳаётимиз поклиги учун сидқидилдан курашмоғи керак. Ижодкор эртага янада пишиқроқ асар яратиши учун бугун кўз ўнгида, атрофида юз бераётган ўзгариш жараёнига, воқеаларга, йўл қўйилаётган хато-камчиликларга холисона ёндашмоғи, бу тўғрида ниҳоятда чуқур бош қотирмоғи лозим. Акс ҳолда, яна қайтарамиз, ёмон иллат —гуруҳбозлик касали пайдо бўлиб, илдиз отади ва у охир-оқибатда адабиётни орқага тортади. Бу эса адабиётимиздагина эмас, балки халқимиз ҳаёти ва меҳнатига, жамиятимизга, мамлакатимиз бадиий маданиятига, қайта қуриш ҳақиқатига зарар келтиради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Идеология комиссияси ҳузурида ижодкор зиёлилар билан иш олиб борувчи Кенгаш тузилди. Унинг рўйхатига ўз асарлари, изланишлари, жамоатчилик фаолиятлари билан танилган ёзувчи ва журналистлар, театр ва кино арбоблари, рассомлик санъати намояндалари, меъморлар, бастакорлар, олимлар, шунингдек, жамоат ташкилотларининг вакиллари киритилган.

Кенгаш қайта қуриш ва тозариш учун, республика социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг энг муҳим масалаларини ҳал этишда, замондошларимизни ахлоқий ва юксак эстетик руҳда тарбиялашни кучайтиришда, адабиёт ва санъат вакилларининг жамиятдаги ролини янада ошириш учун курашда республикадаги барча ижодий кучларни бирлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ижодкор зиёлилар билан иш олиб борувчи Кенгаш аъзолари совет жамиятини революцион янгилашдан иборат инсонпарварлик мақсадларини, партиямизнинг ҳозирги шароитдаги ленинча миллий сиёсатини изчил амалга оширишга кўмаклашишни, бадиий маданият арбоблари маркса-ленинча дунёқарашини, юксак ватанпарварлик ва чинакам интернационализм туйғуларини шакллантиришда, ҳозирги ижтимоий турмушда содир бўлаётган мураккаб жараёнлар ва ҳодисаларни тўғри англаш, санъаткорларимизнинг ижодий камолоти, ўз истеъдодларини иложи борича яхшироқ намоён этишлари учун зарур шарт-шароитларни яратишда партия ва совет идораларига, жамоат ташкилотларига ёрдам беришни биринчи навбатдаги вазифалар деб билмоқдалар.

Кенгаш адабиёт ва санъат тараққиётининг муҳим масалалари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий муаммолар, маданият муассасалари, ижодий учрашувлар фаолияти, уларнинг партия, совет, касаба союз, комсомол, кооператив ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва таклифлар киритади. У турғунлик даврининг иқтисодда, ижтимоий ва маънавий соҳаларда қолдирган мудҳиш асоратларини бутунлай тугатишда ижодий зиёлиларнинг ҳиссасини ошириш мақсадига, ижодий зиёлилар ўртасида қайта қуриш жараёнларини жадаллаштириш, мафкуравий, сиёсий-тарбиявий ишларнинг шакл ва усулларига аниқ ўзгартишлар киритишга алоҳида эътибор беради.

Адабиёт ва санъат арбобларининг ижодий камолоти, шунингдек, истеъдодли ёшларни тинмай юзага чиқиши ҳақида ўйлаш, самимий, бегараз ижодий муносаралар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш ҳам кенгашнинг муҳим вазифаларидандир.

Республикамиздаги ижодий бадиий жараён ўзига хос хусусиятлар ва йўналишларга эга, ижтимоий ҳаёт, сиёсат, иқтисод, маданият ва ахлоқ масалаларига оид жамики ақидалар ҳамиша гов бўлиб келган. Афсуски, турғунлик йилларида адабиёт ҳамда санъат соҳаларининг ҳар бири ўз қобиғига сезиларли даражада ўралиб олди. Гоҳо чап қўлнинг нима қилаётганини ўнг қўлинг билмай қолди. Айтайлик ёзувчи — тасвирий санъатда, рассом—мусиқа бобида, бастакор — меъморчилик соҳасида нималар бўлаётгани, қандай жараёнлар кечаётганидан бехабар, бепарво, лоқайд яшайверди. Ҳолбуки, тарих далолат беради, айтайлик, Алишер Навоийдек даҳони дунёга келтирган муҳит фақатгина адабий муҳит эмасди. Ўша замондаги рассомлик, ҳаттотлик, бастакорлик, меъморлик, тарихнавислик ва бошқа санъат соҳаларининг ўзаро таъсири шак-шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган эди. Ёхуд, асримиз бошларидаги суронли йилларда яшаб фаолият кўрсатган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби сиймоларимизни ҳам маълумки, фақатгина адабий сиймолар эмасди. Уларнинг ижодий фаолиятлари маориф, фан ва санъатнинг бирон-бир, ҳатто бир неча соҳалари билан чамбарчас боғланиб кетган эди. Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Ғафур Ғулом каби адибларимиз ҳам сер-қирра ижод соҳибларн бўлгани барчага аён. Донишманд шоиримиз Ғафур Ғулом ва улкан бастакор-мусиқашуносимиз Юнус Ражабий ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳар икки ижодкор фаолияти учун самарали таъсир кўрсатгани шак-шубҳасиздир.

Яна таъкидлаймизки, соғлом ва тўлақонли ижодий муҳит алоҳида олинган адабий муҳит ва ё бадиий муҳитнинг бирон-бир томони (мусиқа, рассомлик, меъморлик...)дангина иборат бўлмайди. У адабий ва бадиий муҳитларнинг муштараклиги, барчасининг ҳаёт ҳақиқатига эшлиги, ҳамнафас—ҳамқадамлиги демакдир. Модомики, адабиёт ва санъат ижтимоий онг шаклларидан бирн экан, у ижтимоий онгнинг бошқа шакллари (фан, маориф, ахлоқ, фалсафа, иқтисод...)дан холи, ўзўзича ривожланолмайди. Серқирра, соғлом, ўзаро фаол ҳамкорликдаги ижодий муҳитсиз адабиётимиз ҳам, санъатимиз ҳам, ижтимоий онгимиз ҳам турғунлик даври асоратларидан узил-кесил халос бўла олмайди. Бу асоратлардан тезроқ халос бўлишда ҳам, умид қиламизки, Кенгаш ўзига хос ташаббускорлик ролини ўйнайди.

Яқинда ижодкор зиёлилар билан иш олиб борувчи шу Кенгашнинг маслаҳат мажлиси бўлиб ўтди. Унда маданият ва фан арбобларининг бир талай таклифлари асосида Кенгашнинг дастлабки режалари белгилаб олинди. Йиғилганлар республика адабиёти ва санъати равнақи учун жон куйдириб меҳнат қилишни, айни вақтда ижодий изланиш йўлини ҳеч қачон қўлдан бой бермаслик зарурлигини алоҳида таъкидладилар, бу ташаббус учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига ўз миннатдорчиликларини изҳор қилдилар.

Мамлакатимизда қайта қуриш жараёни ҳозир ўткир ва қийин даврни бошидан кечирмоқда. СССР халқ депутатларининг биринчи съездида, СССР Олий Советининг мажлисларида, Ватанимизнинг турли бурчакларидаги меҳнаткашларнинг оммавий чиқишларида бу айниқса яққол намоён бўлди ва бўлаётир. Олдинда бизни жуда катта, очиғини айтиш керак — мураккаб ва зарур ишлар, иттифоқлик ва жонбозлик, камолот ва нафосат тантанаси йўлида фидойилик бурчи кутмоқда.

• *Китоблар оламида*

РУҲИЙ ОЛАМ ТАҲЛИЛИ

Фалсафа фанлари доктори, профессор Исо Жабборовнинг «Руҳий олам: жаҳолат ва камолот» китоби босмадан чиқди. Китобда ижтимоий фикр бобидаги муҳим муаммолардан бири ғоят бой ва мураккаб, шу билан бир қаторда ўткир зиддиятли масала — инсоннинг руҳий олами марксча-ленинча назария нуқтаи назаридан таҳлил этилган.

Муаллиф икки идеология ўртасидаги муросасизликни, антикоммунизмнинг заҳарли наштари бизнинг мафкурамизга қарши қаратилганлигини, илмий атеизм билан дин ўртасидаги инсон руҳи учун асрлар давомида рўй берган ҳаракатларни илмий тарзда баён этади.

Инсон дунёқарашида нодонлик ва жаҳолатдан камолот, маънавий жиҳатдан етуклик, юқори маданият сари бўлган интилиш ҳақида ишонарли тарзда мушоҳада юритилади, социологик тадқиқот самараларидан кенг фойдаланилади.

Умуминсоният қадриятларига зийраклик билан муносабатда бўлиш, инсон ақл ва заковатини қадрлаш, унинг жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини қайта қуришдаги ижодкорлик ролини эътироф этиш муаллиф фикр жараёнидан кенг ўрин олади. Бизда атеистик тарбия В. И. Ленин кўрсатганидек, инсонни тарбиялашга қаратилган амалий фаолият билан бевосита боғлиқ бўлиши керак, деган фикр алоҳида таъкидланади.

Социализм шароитида юқори савиядаги социал турмуш, фаровонлик, янги урф-одат — инсон камолоти омили жанрлиги нишонарли мисолларда ифода этилган.

Ғ. НАЖИМОВ,
фалсафа фанлари номзоди, доцент.



Спорт

ДЗЮДО:

ФАХРЛИ ЎРИН

Кубада социалистик мамлакатлар дзюдочилари ўртасида «Дўстлик» турнири ўтказилди. Соврин учун курашда совет полвонлари 4 та олтин, 5 та кумуш, 3 та бронза медалига эга бўлишди. Мусобақада иштирок этган тошкентлик Элина Новогородцева учинчи ўринни эгаллади.

КУРАШ:

МУНОСИБ ҲИССА

Швейцариянинг Мартини шаҳрида эркин кураш бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида СССР терма командаси биринчи ўринни эгаллади. АҚШ ва Туркия полвонлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди. Совет полвонларининг бу зафарига тошкентлик М. Хадарцев олтин, А. Фадзаев кумуш, А. Хадарцев бронза медаллари билан муносиб ҳисса қўшдилар.

ФУТБОЛ:

ПЕШҚАДАМЛАР МАВҚЕИ

Иккинчи лиганинг Ўзбекистон зонасига кирувчи коллективлар ўртасида ўтказилган навбатдаги учрашувлардан кейин пешқадам командаларнинг очколари бир хил бўлиб қолди. Чунончи, «Ёшлик» футболчилари «Вахш» майдонида ўйнашди, Учрашувда дарвозалар дахлсиз қолди. «Нефтяник» коллективи эса «Целинник» футболчиларини қабул қилиб (5:0), ғалаба қозонишди. Шундай қилиб, «Ёшлик» ва «Нефтяник» командалари ҳисобида 39 тадан очко тўпланди. «Вахш» ҳисобида 34 та, «Зарафшон» ва «Копетдог» футболчиларида 33 тадан очко бор.

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЯНА БИРИНЧИ

Италияда ўтказилган халқаро мусобақада тошкентлик Радион Гатаулин яна ўзини кўрсатди. Бу сафар лангар билан сакраш устаси 5 метр 80 сантиметрли маррани эгаллаб, ғолиблик супасига кўтарилди. Донецклик жаҳон рекордчиси Сергей Бубка 560 сантиметрли натижа билан иккинчи бўлди.

Муҳаррир
У. УСМОНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

БУ ЙИЛГИ ПАХТА ҲОСИЛИНИ ЁНҒИНДАН АСРАБ ҚОЛАЙЛИК!

ШУ ЙИЛНИНГ ЕТТИ ОЙИ МОБАЙНИДА ЁНҒИНЛАРДА ЮЗ ЭЛЛИКДАН ЗИЁД КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ. ЁНҒИНЛАР ЕТКАЗГАН ЗАРАР 9 МИЛЛИОН СЎМДАН ЗИЁДРОҚНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Ёнғинлар аксарият ҳолларда ишлаб чиқаришдаги бепарволик, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини менсимаслик, носоз электр приборларидан фойдаланиш, болаларнинг ўт билан ўйнаши туфайли келиб чиқади.

Ҳозир республикамиз янги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга ҳозирлик кўраяпти. Мана шу масъулиятли даврда барча пахтакор хўжаликларнинг, пахта тозалаш заводларининг ва тайёрлов пунктларининг раҳбарлари бутун куч ва воситаларни ёнғин ва хирмонларда ўт чиқишининг олдини олишга, пахта толасини тайёрлаш ва қайта ишлашга сафарбар этишлари лозим.

Ёнғиндан бир тонна пахта толасининг нобуд бўлиши натижасида биз 4320 метр газламадан, 120 килограмм ёғдан, 240 килограмм кунжарадан ажралишимиз мумкин. Шунинг учун ёнғинга қарши кураш ҳамма ерда бирдек олиб борилиши керак.

Бунинг учун барча пахта териш машиналари, пахта ташувчи ва хирмонлар яқинида ишловчи автомобиль транспорти, тракторлар албатта учқун ўчиргичлар ва ўт ўчиргичлар, сув тўла идишлар ва бел билан жиҳозланган бўлиши лозим. Электр таъминоти ва моторни ўт олдириш системаси созланган бўлиши керак.

ПАХТА ХИРМОНЛАРИ ОЛДИДА ҚУЙИДАГИЛАР ҚАТЪИЯН МАН ЭТИЛАДИ:

— чекиш, овқат тайёрлаш учун гулханлар ёқиш, тандирлар ўрнатиш, чойхоналар, трактор, автомобиль ва пахта териш комбайнларининг бекатларини ташкил этиш;

— учқун ўчиргичлар билан жиҳозланмаган автомобиллар ва тракторларнинг хирмонларга яқинлашиши.

Барча теримчилар ёнғиндан муҳофаза қоидаларига риоя қилиш ҳақида суҳбатдан ўтказилиши ва бу ҳақда имзо чекиб тилхат беришлари лозим.

Пахтакорлар истиқомат қилувчи хоналарнинг атрофи ёниши мумкин бўлган чиқиндилардан тозаланган бўлиши керак, турғун электр чироқларинигина ўрнатишга рухсат берилади. Темир печкалардан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

Хонани иситиш учун фақат ғиштин печлардан фойдаланилади. Пахта терувчилар жойлаштириладиган бинолар ўт ўчиргичлар, сув тўлдирилган бочкалар ва челаклар билан таъминланган бўлиши керак.

Ҳар бир теримчи ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг талабларига қатъий риоя қилиши, ўчирилмай ташланган бир донагина гугурт чўпи ёки папирос қолдиғи ёнғин келтириб чиқариши, давлатга катта моддий зарар етказиши мумкин эканлигини ёдида тутиши лозим.



ЎЗБЕКИСТОН КЎНГИЛЛИ ЎТ ЎЧИРУВЧИЛАР РЕСПУБЛИКА ЖАМИЯТИ. «СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

•

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ ҚЎРИҚЛАШ ЖАМИЯТИ

9—10 сентябрда М. ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ ШАҲАР МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА маҳалий ва хонаки қушлар IX РЕСПУБЛИКА ҚУРГАЗМАСИНИ УТКАЗАДИ.

КУРГАЗМАДА Халқаро, Бутуниттифоқ қушлар конкурсларининг ғолиблари, шунингдек Ўзбекистоннинг барча томонларидан келган ҳаваскор қушвозлар иштирок этадилар.

ЭКСПОЗИЦИЯЛАРДА ЮЗ ТУРДАН ОРТИҚ САЛКАМ 4000 қуш ўрин олади.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

•

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/IX да Дунёнинг яратилиши (19.00). 7/IX да Князь Игорь (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 6/IX да Кармолан (19.30). 7/IX да Тандир эшиги (19.30).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «МУШУК ИЛИ» ВА «ДОКТОР АЙБОЛИТ» ГАРОЙИБ ТОМОШАЛАРИ (6/IX да 19.30).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми аппарати раҳбарлиги ва жамоат ташкилотлари мукофотлар бўлими мудири К. И. Қаландаровага онаси

Фотима ЮНУСОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

«СредазНИИгипрогаз» институти коллективи бўлим бошлиги

Ҳамидулла Турсунович ЮНУСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи нашриёт директорининг собиқ муовини

Ҳамидулла Турсунович ЮНУСОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СССР Медицина фанлари академияси Бутуниттифоқ хирургия илмий маркази Тошкент филиалининг коллективи филиал бўлимининг мудири В. Е. Ортиқовга рафиқаси

Мафрат Мутолиповна ВОҲИДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Конференция очилди

5 сентябрь куни Тошкентда очилган регионал конференция «Миллатлараро муносабатларни ва байналмилал тарбияни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашда «Совет Шарқи адабиётлари ўзаро алоқалари ҳамда бир-бирига таъсирининг миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни ривожлантиришдаги роли» мавзуига бағишланди. Конференцияда СССР Фанлар академияси жаҳон адабиёти институтидан, Москва университетидан, қўшгина иттифоқдош республикалардан олимлар ва мутахассислар иштирок этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг миллий муаммоларга бағишланадиган Пленуми арафасида ўтказилаётган конференция жамиятни ривожлантиришга адабиёт таъсирининг назарий жиҳатларини тадқиқ этишни мақсад қилиб қўйган. Конференция иштирокчилари кўп миллатли совет адабиёти тарихига янгича баҳо бериш ва қатор бошқа комплекс муаммоларни муҳокама қиладилар.

Конференция доирасида ўтказиладиган давра суҳбатида олимлар, адиблар, «Вопросы литературы» журнали, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг вакиллари қатнашадилар.

(ЎзТАГ).



Ёдгорликка эътибор

Абу Исо ат-Термизий меъморий ёдгорлиги ўн биринчи асрда қад ростлаган бўлса ҳам, халқ усталарининг санъати бугунги кунда ҳам .бу ерга келувчиларда катта таассурот қолдириши турган гап. Мазкур ёдгорлик Шеробод районидаги «Шеробод» совхози территориясида жойлашган. Турғунлик йилларида ёдгорликка эътибор берилмади. Уч гумбаздан бири шикастланди.

Республика ҳукуматининг қарорига биноан бу ёдгорлик Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диния бошқармаси ихтиёрига ўтказилди. Ёдгорликнинг таъмирланиши учун барча зарур тадбирлар амалга оширилияпти. Совет маданият фонди Сурхондарё область бўлими ташаббуси асосида ёдгорликни қайта тиклаш учун жамоатчилик кенгаши тузилди.

Суратда: жамоатчилик кенгаши аъзолари, Ўзбекистон халқ рассоми Рўзи Чориев ва Шеробод район ижроия комитети раиси Тамара Эргашева ёдгорликни тиклаш ҳақида фикрлашмоқдалар.

Р. ШАГАЕВ сурати (ЎзТАГ).

Р. — 04322. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри. Б. — 205. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12